

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**БАРЧА ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**“ВИРТУАЛ ТАЪЛИМ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент - 2016**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** Низомий номли ТДПУ ҳузуридаги тармоқ маркази  
катта ўқитувчиси М.Файзиева, п.ф.н. Д.Сайфуров

**Тақризчи:** Гейделберг педагогика университети (Германия),  
профессор. Hans-Werner Huneke.

*Ўқув -услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2016 йил 19 майдаги  
4.4- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУРИ .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....	27
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	58
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	126
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	131
VII. ГЛОССАРИЙ .....	133
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	145

## **I. ИШЧИ ДАСТУРИ**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда виртуал таълим технологияси, мультимедиа тушунчаси ва воситалари, мультимедиа билан ишловчи дастурлар,ўқув жараёнида симуляторлардан фойдаланиш. Панорамик тасвирлар билан ишлаш, виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар, хизматидан фойдаланиш муаммолари баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Виртуал таълим технологияси”**модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини янги мультимедиа воситалари ва технологиялари, виртуал таълим воситалари,

виртуал таълим муҳити, виртуал таълим тизимлари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш.

**“Виртуал таълим технологияси” модулининг вазифалари:**

- мультимедиа тушунчаси, мультимедиа воситалари, мультимедианинг дастурий воситалари ва маҳсулотлари, виртуал таълим муҳити воситалари ҳақида;

- виртуал таълим муҳити ҳақида
- симуляторлар ҳақида;
- панорамик анимациялар ҳақида;
- виртуал таълим тизимлари ҳақида;
- очик таълим тушунчаси, LMS тизимлар таҳлили;
- on-line муҳитида 3D технологиялар асосида ўқув жараёнини ташкиллаштириш каби билим кўникмаларни ҳосил қилиш.

Модул бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Виртуал таълим технологияси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

**Тингловчи:**

- Компьютер техникаси ва унинг асосий ҳамда қўшимча қурилмаларидан;
- компьютернинг дастурий таъминотидан фойдаланиш ҳақида билимларга эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- таълимни ташкил этиш принциплари;
- таълим методларининг турлари, таълимни ташкил этиш шакллари;
- таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитиш воситаларини ишлаш принципларини;

- ўқитиш жараёнида ишлатиладиган техник-дастурий воситаларнинг турлари;

- таълим жараёнида интернет тизимини қўллаш бўйича **кўникма ва малакаларига эга бўлиши зарур**;

**Тингловчи:**

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ташкил этишда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш, виртуал таълим муҳити имкониятларидан, виртуал таълим тизимларидан фойдалана олиш бўйича **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Инновацион таълим технологиялари”, “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Ҳозирги вақтга келиб, Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўқув модули катта аҳамиятга эгадир.

**Модул бўйича соатлар тақсимооти**

<b>Т/р</b>	<b>Мавзу</b>	<b>Умумий соат</b>	<b>Жами аудитория</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	<b>Мустақил таълим</b>
<b>1</b>	Мультимедиа тушунчаси ва воситалари	<b>2</b>	<b>2</b>	<b>2</b>		

2	Мультимедиа билан ишловчи дастурлар	2	2		2	
3	Виртуал таълим муҳити	2	2	2		
4	Ўқув жараёнида симуляторлардан фойдаланиш. Панорамик тасвирлар ҳосил қилиш	2	2		2	
5	Виртуал муҳитда ишлаш	2				2
6	Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар	4	2		2	2
	<b>Жами ўқув юкламаси 14 соат</b>	<b>14</b>	<b>10</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Мультимедиа тушунчаси ва воситалари.**

Мультимедианинг тушунчаси. Мультимедианинг воситалари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа ташувчилари. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Медиа соҳалари. Аудио файллар. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиа элекрон нашрлар (ўқув фильмлари, элекрон дарсликлар). 3D технологиялар, виртуал борлиқ тушунчаси.

### **2-мавзу: Виртуал таълим муҳити.**

Виртуал борлиқ тушунчаси. 3D технологиялар. Панорамик анимациялар. Виртуал таълим муҳити. Виртуал таълим тизимлари. LMS тизимларининг асосий функциялари, LMS тизимларининг таҳлили, виртуал таълим муҳити жараёнини ташкиллаштириш имкониятини берувчи дастурий мажмуаалар LMS ларнинг функциялари, LMS, Moodle, Atutor, Claroline, OLAT, Efront, Sakai, Dokeos, Chamilo, ILIAS, LAMS, Open Elms.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### **1-амалий машғулот:**

##### **Мультимедиа билан ишловчи дастурлар.**

Ўқув ресурсларини яратиш лойиҳасини тайёрлаш. Мультимедиа дастурий восита элементлари билан танишиб чиқиш. Мультимедиа дастурий восита элементларидан фойдаланиб ўқув ресурсларини тайёрлаш ва қайта ишлаш.

#### **2-амалий машғулот:**

##### **Ўқув жараёнида симуляторлардан фойдаланиш. Панорамик тасвирлар билан ишлаш.**

Ўқув жараёнига доир симуляторларни интернет тармоғидан юклаб олиш. Улардан таълим жараёнида фойдаланишни ўрганиш. Панорамик тасвирларни яратувчи дастурий воситалар билан ишлашни ўрганиш. Таълим жараёни учун панорамик анимациялар яратиш.

#### **3-амалий машғулот:**

##### **Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар.**

Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизим интерфейси билан ишлашни ўрганиш. Виртуал таълим жараёнида курс яратиш учун ўқув ресурсларини педагогик лойиҳалаштириш. Улар ёрдамида ўқув курсларни яратиш.



## **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар ботирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.2 балл
2	Мустақил иш топшириқлари		0.5 балл
3	Амалий топшириқлар		0.8 балл

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

**“Ақлий ҳужум” методи** - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:


1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзунини такрорлаш ёки бир мавзунини кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда –янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

**“Ақлий ҳужум” методининг қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



**“Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси**

**“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

**“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:**

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;

- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.


**“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:**

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

**“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи** - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бири-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи- назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



**“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг тузилмаси**  
**“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг босқичлари**

**қуйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар гуруҳларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

### **«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:**


- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

### **«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**“Давра суҳбати” методи** – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.


“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



**Белгилар:**  
1-таълим олувчилар  
2-айлана стол

### **Давра столининг тузилмаси**

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган





**“Давра суҳбати” методининг тузилмаси**  
**“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:**

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;

- ҳар бир таълим оловчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

**“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:**

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим оловчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

**“Ролли ўйин” методи** - таълим оловчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини сахналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим оловчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим оловчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим оловчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим оловчининг индивидуал характери, хулқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида таълим оловчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин” методининг тузилмаси келтирилган.



### **“Ролли ўйин” методининг тузилмаси**

**“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишга жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий махсус фан бўйича ўтилатган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

### **“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:**

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим олувчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

### **“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:**

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим олувчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим олувчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

**“Баҳс-мунозара” методи** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.


Ҳар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлини кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;

- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



#### **“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси**

**“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қилади.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

### **“Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:**


- таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундайди;
- таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;
- таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятининг ривожланишига ёрдам беради.

### **“Баҳс-мунозара” методининг камчиликлари:**

- таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

**“Муаммоли вазият” методи** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар кўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



#### **“Муаммони вазият” методининг тузилмаси**

**“Муаммони вазият” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммони вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қилади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммони вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ такдимот қилади. Барча такдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини такдимот қиладилар. Такдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадиладар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

#### **“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:**

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;
- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;
- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

#### **“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:**

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;
- кўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;
- кўп вақт талаб этилади.


**“Лойиҳа” методи** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу



жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.



**“Лойиҳа” методининг босқичлари**

**“Лойиҳа” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Ўқитувчи лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йиғади.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқади. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

3. Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиладилар. Таълим олувчилар ўқитувчи билан биргаликда қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Ўқитувчи таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гуруҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гуруҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш варақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гуруҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиҳа кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Ўқитувчи ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний суҳбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан таққослайди. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Ўқитувчи “Лойиҳа” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиҳа ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиҳа иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиҳа” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гуруҳий иш;
- жамоа иши.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Мультимедиа тушунчаси ва воситалари.

##### Режа:

1. Мультимедиа тушунчаси таснифи.
2. Мультимедианинг техник – дастурий воситалари.
3. Таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш.

**Таянч тушунчалар:** Мультимедиа тушунчаси. Мультимедианинг техник таъминоти. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Мультимедианинг қўлланилиши. Медиа соҳалар. Рақамли аудио. Аудио файллар. Аудио ва видеони таҳрирлаш.

#### 1.1. Мультимедиа тушунчаси таснифи

Мультимедиа тушунчаси 90 йиллар бошида ҳаётимизга кириб келди. Унинг ўзи нима деган савол туғилади? Кўпгина мутахассислар бу атамани турлича таҳлил қилишмоқда. Мультимедиа бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация эффектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришни мужассамланган ҳолдаги кўринишидир.


**Мультимедиа** (мультимедиа - кўп мухитлилиқ) – бу компьютер технологиясининг турли хил физик кўринишига эга бўлган (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео ва ҳ.к.) ва турли хил таъшувчиларда мавжуд бўлган (магнит ва оптик дисклар, аудио- ва видео-ленталар ва ҳ.к.) ахборотдан фойдаланиш билан боғлиқ соҳасидир.

Мультимедиа фойдаланувчига фантастик(виртуал ҳақиқий) дунёни яратишда жуда ажойиб имкониятларни яратиб беради, бунда фойдаланувчи чеккадаги сушт кузатувчи ролини бажармасдан, балки у ерда авж олаётган ходисаларда фаол иштирок этади; шу билан бирга мулоқат фойдаланувчи учун одатланган тилда - биринчи навбатда товушли ва видеообразлар тилида бўлиб ўтади.

Мультимедиа - компьютерда ахборотнинг турли хил кўринишлари: рангли графика, матн ва графикда динамик эффектлар, овозларнинг

чиқиши ва синтезланган мусиқалар, аннимация, шунингдек тўлақонли видеоклиплар, хатто видеофильмлар билан ишлашдир.

### Мультимедиа



Мультимедиа— бу замонавий компьютерли ахборот технологиялари бўлиб, матн, товуш, видеотасвир, график тасвир ва анимацияни (мультипликацияни) яхлит компьютер тизимига бирлаштириш имконини яратади.

Мультимедиа амалиётдаги иш тартиби – бу аппарат-дастурий муҳит бўлиб, компьютерга ахборотни киритиш, ишлов бериш, сақлаш, узатиш ва матн, чизмалар, видеотасвир, товуш ҳамда нутқларни инсонга зарур ва қулай ҳолатда етказишдир.<sup>1</sup>

Биринчидан – фойдаланувчига албатта интерфаолликни тақдим этадиган, яъни инсон ва компьютер ўртасида буйруқлар ва жавоблар алмашинувини таъминлаб, диалог муҳитини яратадиган дастурий маҳсулот. Иккинчидан, турли видео ва аудио эффектлар ишлатиладиган муҳит. У томошабинга ўзича у ёки бу иловани танлаш имконини берувчи видеофильмни эслатади.

**Мультимедиа маҳсулоти** – таркибида мусиқа тараладиган, видеоклиплар, анимация, расмлар ва слайдлар галереяси, турли маълумотлар

<sup>1</sup>Tay Vaughan.Multimedia: Making It Work. Chapter 1: What Is Multimedia?. 2011. ISBN: 978-0-07-174850-6/p.15

базалари ва бошқалар кириши мумкин бўлган интерфаол, компьютерда ишланган маҳсулотдир.

*Мультимедиа технологияси* ахборотни бир вақтнинг ўзида инсонга тушунарли, кўп шакллар (жумладан, нутқ, расм, чизма, тасвир, мусиқа, рақам ва ҳарфлар) комбинациясида хавола қила олади. Бу технология ахборотни қидириши, нусха олиши ва бошқа бирор компьютерга кўрсатилган шаклда, кўчириб ўтказа олади ҳамда уларнинг ҳоҳлаган комбинациясини ярата олади.

Ундан ташқари мультимедиа технологиясидан фойдаланувчи ўзи дизайн билан шуғуллана олишига имкон беради, шунингдек статик (ҳаракатсиз) ва динамик (ҳаракатланувчи) тасвирларни яратиши ҳамда ўз ижодий ишининг натижаларини алоқа каналлари орқали ташқи муҳитга тарқатиши мумкин.


Мультимедиа тизимларининг жадаллик билан ривожланишига шахсий компьютерларнинг имкониятларини кенгайганлиги ва техник, дастурий воситаларининг ривожланиши сабаб бўлди. Охирги йилларда компьютернинг тезлиги ва хотира қурилмаларнинг сиғими кескин ошди, шунингдек график имкониятлари кенгайиб, ташқи хотира қурилмаларининг техник кўрсаткичлари яхшиланди. Мультимедиа технологияларининг ривожланишига видеотехника йўналиши, лазер дисклар, шунингдек ёзиш техникасининг ҳамда товуш ва тасвирни хосил қилиш технологияларининг ривожланиши катта хисса қўшди. Ахборотларни хотирада ихчам (зич) жойлаш ва сақлаш мақсадида тез ва самарали ўзгартириш усулларини яратилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди.

## **1.2. Мультимедианинг техник – дастурий воситалари**

*Мультимедиа воситалари*- бу аппарат ва дастурлар тўплами бўлиб, у инсонга ўзи учун табиий бўлган турли-туман муҳитларни: товуш, видео, графика, матнлар, анимация ва бошқаларни ишлатган ҳолда компьютер билан мулоқот қилиш имконини беради<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup>Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education.UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.



### *Тасвирларни яратувчи ва улар билан ишловчи воситалар*

- рақамли фотоаппарат



- сканерлар




а




б



г




д



е






1-расм. қўл сканери(а), барабанли сканер(б), планшетли сканер(в), рулонли сканер(г), проекцион сканер(д), лазерли сканер(е), 3D сканерлар(ж)

#### •дигитайзерлар

Тасвирларни кўриш  
ва улар билан ишлаш  
учун мўлжалланган



дастурий воситаларга Adobe Photoshop, Corel Photo-Paint, Paint Shop Pro, Microsoft Picture It!, Visualizer Photo Studio, Pixel image editor, PixBuilder Photo Editor, Fo2Pix ArtMaster лар кирәди.

#### ***Овоз ёзиш ва овоз тахрирлаш воситалари***

Овозли файлларни компакт дискка ёзиш, мультимедиа тақдимотларини тайёрлаш, видеоконференцияларни ўтказиш, ўйинлар ўйнаш, аудио CD ларни эшитиш учун овоз платаси ёки аудиоадаптер (audio – бу «овоз», адаптер эса -манбадаги маълумотни компьютерга ўтказувчи техник қурилма)

деб номланувчи карта зарур бўлади. Ушбу товушни қайта ишловчи товуш платаси, товуш чиқариш воситаси, акустик тизимлар ёки яқка тинглагичлар ҳамда аудио маълумотларни киритиш учун хизмат қиладиган микрофон, овозли компакт-диск проигрывателлари, овоз колонкалари ва б. қурилмаларга уланади. Товуш платасига, шунингдек, магнитофон, электрмузыкаасбоблари каби аудиокомплектлар ҳам уланиши мумкин.



2-расм. Аудио адаптер ва унинг бош платага уланиши

### ***Видео ёзиш ва видео тахрирлаш воситалари***

Видеобилантўлақонли ишлаш учун видео маълумотни компьютерга мослаштириш ақлга ва асмага қайтарувчи мослама видеокарта зарур. Унга видеокамера, видеомагнитофон, телевизор каби мосламалар уланиши мумкин.

Аксари атоҳолларда видеоэлементларни мониторда ифода қилиш тартиби бўлади.

Шундай масалани ҳал этиш учун ҳар қандай замонавий компьютерда мавжуд бўлган видео адаптер ва монитор тартидир.



3-расм. Видео адаптер ва унинг бош платага уланиши

### ***Маълумот ташувчилар***



**CD-R (Compact Disc-Recordable** – ёзилувчи компакт диск), **CD-RW (Compact DiskRewritable-** 1000 мартагача қайта ёзиш мумкин бўлган диск) - лазерли (компакт) дискга 650 Мбайт (700 Мбайт) ҳажмдаги маълумотни ёзиш мумкин.



**DVD (Digital Versatile Disk)** дисклар бир ёки икки тарафлама маълумот ёзиш имкониятини берадиган тарзда тайёрланади. Тарафлари сонига қараб DVDлар DVD-5, DVD-9, DVD-10, DVD-14, DVD-18 турларга бўлинади ва мос равишда 5, 9, 10, 14, 18 Гб маълумотни сақлайди.



**HD DVD** (юқори аниқликдаги рақамли универсал диск) – DVD дискларга нисбатан юқори аниқлик ва ҳажмга эга. HD DVD дисклар DVD дискларга қараганда 5 маротиба кўпроқ ахборотни сақлайди. HD DVD дисклардаги ахборотлар бир қатламли дискда 15Гб, икки қатламли дискда 30Гб ни ташкил қилади.



**Blu-ray Disc, BD** (ингл. blue ray — хаворангнурва disc — диск;) — оптикдискташувчи формат бўлиб, рақамли ахборотларни ҳамда юқори аниқликдаги видеоматериалларни катта зичликда ёзиш имконини беради. Blu-ray Disc даги ахборотларни ўқишда қисқат ўлқинли лазер (405 нм) дан фойдаланилади. Ушбу дисклардаги ахборот ҳажми бир қатламли дискда 25Гб, икки қатламли дискда 50Гб ни ташкил қилади.



### **Манипуляторлар**

Компьютерни бошқариш учун содда, қулай ва оммабоп бўлган қурилмалардан бири бу манипулятор (сичқонча) ҳисобланади.



а



б



в



г

4-расм. а)сичқонча, б)оёқ манипулятори, в)шарикли манипулятор(трекбол),  
г)джойстик

### **“Виртуал борлиқ” воситалари**

Виртуал борлиққа киришнинг энг оддий йўли бу компьютер экрани хисобланади ва бу борлиқда сичқонча, клавиатура, джойстик ёрдамида ишлаш мумкин.

Булардан ташқари виртуал борлиқни яхшироқ ҳис этиш учун бошқа қурилмаларни ҳам ишлатиш мумкин. Улар:

**Турли ойнали кўзойнак** - бу қурилма тасвирни ул ўлчамда (ҳажмли) кўришга ёрдам беради.



Бир мунча мураккаброқ ишлайдиган кўзойнак ҳам мавжуд бўлиб, унинг ишлаш принципи қуйидагича: экран орқали кўзойнакнинг битта кўзига тасвир юборилади, иккинчиси эса қоронғу бўлиб туради. Сўнгра тасвир кейинги кўзга ўтади, шу тарзда тасвир кетма-кет кўрсатилади ва кўзойнак экранида уч ўлчамли тасвир иллюзияси ҳосил бўлади.



**Виртуал борлиқ шлеми**(Head Mounted Display) – ўйлаб топилган виртуал борлиқни тўлиқ ҳис этиш учун мўлжалланган қурилма. Тасвир ҳажмини кўрсатиш учун шлем ичида иккита унча катта бўлмаган экран жойлашган бўлиб, тасвир ҳам иккига бўлинади ва иккала кўз учун алоҳида тасвир яратилади. Ушбу шлем 360 градус соҳадаги барча тасвирларни визуал кўриш имконини беради, ҳаттоки бош бурилган вақтда мос равишда тасвир жойлашуви ҳам ўзгаради<sup>3</sup>.



<sup>3</sup> Cecília Sík Lányi. VIRTUAL REALITY AND ENVIRONMENTS. First published April, 2012. Printed in Croatia. Published by InTech. ISBN 978-953-51-0579-4, p.27



5-расм. Виртуал борлиқ шлеми

**Ахборотли қўлқоп** – виртуаллик ошириш мақсадида ишлатилувчи қўлқоп бўлиб, у ёрдамида виртуал борлиқдаги предметларни ушлаш, суриш ва ҳаракатга келтириш мумкин<sup>4</sup>.



**VR-костюм** - виртуал борлиқнинг энг тўлиқ тўпلامли қурилмаси ҳисобланади. Тананинг барча нуқталаридаги ҳаракатни кузатиб боровчи кўпгина магнитли сенсорлардан иборат комбинзон.



Мультимедиа тизимининг **дастурий** муҳитини ҳам иккига бўлиш мумкин: амалий ва ихтисослаштирилган. *Амалий дастурлар* фойдаланилаётган ёки лойиҳалаштирилган амалий дастурлар.

*Ихтисослаштирилган дастурларга* мультимедиа иловаларини яратувчи дастурий воситалар киради. Бу тоифадаги дастурларга график муҳаррир, видеотасвир муҳаррири, товушли ахборотни ҳосил қилиш ва муҳаррирлаш воситалари киради.

<sup>4</sup> Cecília Sík Lányi. VIRTUAL REALITY AND ENVIRONMENTS. First published April, 2012. Printed in Croatia. Published by InTech. ISBN 978-953-51-0579-4, p.31

<b>Мультимедиа<sup>5</sup></b>	<b>Мультимедиа дастурий воситалари</b>
Text	Text Microsoft Word, Corel WordPerfect, Tex, Latex
Graphics (i.e., vectors)	Corel Draw, Adobe Illustrator, Macromedia Fireworks, Adobe ImageReady, Macromedia Flash
Image (i.e., bitmap)	Adobe Photoshop, Jasc Paint Shop Pro, Macromedia Fireworks
Audio	Sony Sound Edit Pro, Sony Sound Forge for Windows, Sony Acid, Cakewalk products
Synthetic Video (animation)	AutoDesk AutoCAD, Discreet 3D Studio (MAX), Virtus 3D Website Builder, Macromedia Flash, Electric Image Amorphium Pro, Alias Maya
Captured Video	Adobe Premiere, Avid, Media 100 products, Ulead Media Studio Pro, Microsoft MovieMaker, Apple iMovie
Authoring Systems for All Media	Macromedia Director, Macromedia Dreamweaver, Click2learn Toolbook, Microsoft Front Page, Adobe Page Mill, Microsoft PowerPoint with Producer

*Компьютер графикаси* – бу хисоблаш тизимларининг дастурий ва аппарат воситалари ёрдамида тасвирларни ҳосил қилиш ва қайта ишлаш воситаларини ҳамда услубларини ўрганувчи, информатиканинг соҳасидир.

Компьютер графикаси тасвирларни монитор экранида ёки нусха сифатида ташқи ташувчилар(магнит ташувчилар, қоғоз, киноплёнка)да намоиш этишнинг турли кўринишларини ва шаклларини қамраб олади.Компьютер графикаси компьютерлар, телевизорлар ва кинотехнологиялар асосида юзага келади.

---

1. <sup>5</sup>Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education.UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.p.3

Компьютер графикаси 3 хил бўлади: растрли (нуқтали), векторли фактал.

### **1.3. Таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш.**

Жаҳон миқёсида назар соладиган бўлсак компьютер графикаси ва дизайн жуда ҳам кенг даражада ривожланган. Уларни амалда анчадан буён кўллаб келишмоқда. Лекин бу яратилаётган барча дастурлар, роликлар, дизайнларнинг асосий қисми кинофильмлар, мультфильмлар, веб-сайтлар учун яратилмоқда. Махсус сайтларда фанларга мавзулаштирилган мультимедиа дорсликларнинг камлиги, борларини ҳам аниқ бир фанни мавзуларини тўла ёритиб бера олмаслиги таълим соҳасига янада кўпроқ эътибор бериш лозимлигини эътироф этади. Лекин электрон дорсликлар ичига киритилган матнли ёзувлар, расмлардан ҳозирда графиканинг энг замонавий йўналиши бўлган роликларнинг яратилиши сайтларга ва шунга тегишли бўлган нарсаларга қизиқишни оширади. Тўғри бу соҳада кўп ишлар амалга оширилган. Дорсларнинг мультимедиа имкониятларидан фойдалантиб ўтилиши ўқитувчиларга бир қанча қулайликлар туғдиради. Чунки, шу фанга мавзулаштирилган овозли дастурлар, расмли ишланмалар, ҳаракатли ёзувлар (презентациялар), мультимедиа кўринишида яратилган фильмлар, анимациялар бир томондан ўқитувчи учун янгиллик бўлса, иккинчи томондан таълим олувчилар учун қизиқарли ва диққатини ўзига жалб қилади. Ва мавзуни яхши ўзлаштирилишига туртки бўлади.

Мультимедиа технологияларининг афзалликлари ва алоҳида хусусиятларини санаб ўтамм:

- турли хил кўринишдаги катта ҳажмдаги ахборотларни битта дискда сақлаш имконияти мавжуд (бир неча бобли матнларни, минглаб юқори сифатли тасвирларни бир неча соатли филм ва роликларни ҳамда товушли ахборотларни);

- сифати сақланган ҳолда экранда тасвирларни қисмларга ажратиш ёки уларни энг қизиқ ҳамда керакли қисмларини катталатиш имкони мавжуд;

- графиклар, тасвир ва расмларни қиёсий таҳлил қилиш, уларнинг кўрсаткичларини ҳисоблаш, илмий ёки ўрганиш мақсадида дастурий воситалар ёрдамида ишлов бериш имконияти;

- тасвир ёки тасвирни ёритиш мақсадида фойдаланилган матн ҳамда бошқа кўрсатилаётган ахборотдан калит сўзларни ёки тасвирни керакли қисмини маълумот олиш ҳамда тушунтиришга керакли ахборотни ажратиб олиш имкониятлари мавжуд;

- статик ёки динамик тасвирга монанд узлуксиз мусиқа ҳамда бошқа аудио таъминотини олиб бориш бор;

- «стоп-кадр» (кадрни тўхтатиш) иш тартибидан фойдаланиб видеоёзув лавҳасидан фойдаланиш имконияти;

- глобал Internet тармоғига ҳамда уланиш унинг ресурсларидан ва фойдаланувчиларидан фойдаланиш мақсадида имконияти мавжуд;

- график ва товуш редакторлари, картографик ахборот ва матнларга ишлов бера оладиган шахсий амалий дастурлар билан ишлаш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган афзаллик ва хусусиятлардан ташқари яна кўпгина имкониятлари мавжуддир, жумладан, тасвирни яхлит ёки бир қисмини автоматик равишда кўриш, танланган жойини сақлаб қолиш ва белгилаб қўйишлардир<sup>6</sup>.

Мультимедиа тизимларини пайдо бўлиши ахборот технологияларини ривожланишига ва илм-фанда, таълимда, савдода (бизнесда) тиббиётда кенг кўламда тадбиқ этилишига туртки бўлди.

АТларининг мультимедиа воситалари ўқув жараёнида қуйидаги энг муҳим жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир:

- дифференциал ва индивидуал ўқитиш жараёнини ташкил қилиши;
- ўқиш жараёнини баҳолаш, тескари алоқа боғлаши;
- ўзини-ўзи назорат қилиш ва тузатиб бориши;

---

<sup>6</sup>Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education.UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.

- ўрганилаётган фанларни намойиш этиши ва уларнинг динамик жараёнини кўрсатиши;

- фан мавзуларида анимация, графика, мультипликация, овоз каби компьютер ва ахборот технологиялардан фойдаланиши;

- ўқувчи – талабаларга фанни ўзлаштириш учун стратегик кўникмалар ҳосил қилиши ва ҳоказо.

Шунингдек, мультимедиа воситаларининг амалий томони, улардан ўқув жараёнида фойдаланиш ва келгусида таълим тизимида ўқув жараёни учун маълумотлар базасини ва анимацион тақдимотлар яратишдек муҳим вазифани амалга оширишга замин ҳозирлайди.

Мультимедиа - гуркираб ривожланаётган замонавий ахборотлар технологиясидир. Унинг ажралиб турувчи белгиларига қуйидагилар киради:

- ахборотнинг хилма-хил турлари: анъанавий (матн, жадваллар, безаклар ва бошқалар), оригинал (нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация ва бошқалар), турларини бир дастурий маҳсулотда интеграциялайди. Бундай интеграция ахборотни рўйхатдан ўтказиш ва акс эттиришнинг турли қурилмалари;

- муайян вақтдаги иш, ўз табиатига кўра статик бўлган матн ва графикадан фарқли равишда, аудио ва видеосигналлар фақат вақтнинг маълум оралиғида кўриб чиқилади. Видео ва аудио ахборотларни компьютерда қайта ишлаш ва акс эттириш учун марказий процессор тез ҳаракатчанлиги, маълумотларни узатиш шинасининг ўтказиш қobiliяти оператив ва видео-хотира, катта сифимли ташқи хотира, ҳажм ва компьютер кириш-чиқиш каналлари бўйича алмашуви тезлигини тахминан икки баровар оширилиши талаб этилади;

- “инсон-компьютер” интерактив мулоқотнинг янги даражаси, бунда мулоқот жараёнида фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни оладики, мазкур ҳолат таълим, ишлаш ёки дам олиш шароитларини яхшилашга имкон беради;

- мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайерлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб масаласидир.

Ривожланган мамлакатларда ўқитишнинг усули ҳозирги кунда таълим соҳаси йўналишлари бўйича тадбиқ қилинмоқда. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш икки баробар унумли ва вақтдан ютиш мумкин. Мультимедиа воситалари асосида билим олишда 30% гача вақтни тежаш мумкин бўлиб, олинган билимлар эса хотирада узоқ муддат сақланиб қолади. Агар ўқувчилар берилаётган материалларни кўриш асосида қабул қилса, ахборотни хотирада сақлаш 25-30% ошади. Бунга қўшимча сифатида ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишда мужассамлашган ҳолда берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 75% ортади. Бунга биз мультимедиа воситалари асосида чет тилларни ўрганиш жараёнида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш куйидаги афзалликларга эга:

- берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти борлиги;

- таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади;

- таълим олиш вақтининг қисқариш натижасида, вақтни тежаш имкониятига эришиш;

- олинган билимлар киши хотирасида узоқ сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади.

Мультимедиа воситалари асосида ўқитиш жараёнида аниқ фанни компьютер асосида тўлиқ ўқитиш, маъруза матнларини тахрирлаш, талабалар топширган назорат натижаларининг тахлили асосида маъруза матнларини баён қилиш услубини яхшилаш, ўқувчи-талабалар ахборот технологияларини мультимедиа воситалари асосида анимация элементларини дарс жараёнида кўриши, эшитиши ва мулоҳаза қилиш имкониятларига эга бўлади.



Сифатли мультимедиа иловалари ишлаб чиқишга йўналтирилган турлитуман, бир биридан фаркли технологик усуллар мавжуд.

**Мультимедиа иловалари** қуйидагиларга бўлинади:

*Тақдимот/презентациялар*(инг. presentation) – аудиовизуал воситалардан фойдаланиб кўргазмали шаклда маълумот тақдим этиш шакли. Тақдимот ягона манбага умумлашган компьютер анимацияси, графика, видео, мусиқа ва товушни ўзида мужассам этади. Одатда тақдимот маълумотни қулай қабул қилиш учун сюжет, сценарий ва структурага эга бўлади.

*Анимацион роликлар.* Анимация – мультимедиа технология; тасвирнинг ҳаракатланаётганлигини ифодалаш учун тасвирларнинг кетма-кет намоиши. Тасвир ҳаракатини тасвирлаш эффекти секундига 16 та кадрдан ортиқ видеокадрларнинг алмашилишида ҳосил бўлади.

*Ўйинлар.* Ўйин дам олиш, кўнгил очиш еҳтиёжларини қондириш, организмдаги зўриқишни йўқотиш ҳамда маълум малака ва кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган мультимедиа иловаларидандир.

*Видеоиловалар* – ҳаракатланувчи тасвирлар ишлаб чиқиш технологияси ва намоиши. Видео тасвирларни ўқиш қурилмалари – видеофильмларни бошқарувчи дастурлар. [2, 25 bet]

*Мультимедиа-галереялар.* Галереялар – товуш жўрлигидаги ҳаракатланувчи суратлар тўплами.

*Аудиоиловалар.* Товушли файлларни ўқувчи қурилмалар – рақамли товушлар билан ишловчи дастурлар. Рақамли товуш– бу электрик сигнал амплитудасининг дискрет сонлар билан ифодаланиши[2,10 bet].

*Веб учун иловалар* – бу алоҳида веб-саҳифалар, унинг таркибий қисмлари (меню, навигация в.б.), маълумот узатиш учун иловалар, кўп каналли иловалар, чатлар ва бошқалар.

### **Назорат саволлари:**

1. Мультимедианинг техник – дастурий воситаларини айтиб беринг.
2. Тасвирларни яратувчи ва улар билан ишловчи воситаларни санаб беринг.
3. Овоз ёзиш ва овоз таҳрирлаш воситаларини санаб беринг.
4. Видео ёзиш ва видео таҳрирлаш воситаларини ишлаш принципини айтиб беринг.
5. Маълумот ташувчи восиларларни санаб беринг.
6. Таълим жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланишни изоҳлаб беринг.
7. Мультимедиа иловалари қандай турларга бўлинади.

### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education.UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.
2. Sanjaya Mishra, Ramesh C. Sharma. Interactive multimedia in education and training. ISBN 1-59140-393-6. Published in the United States of America by Idea Group Publishing. 2005
3. Tay Vaughan.Multimedia: Making It Work. Chapter 1: What Is Multimedia?. 2011. ISBN: 978-0-07-174850-6/p.15

## 2-Мавзу: Виртуал таълим муҳити.

### Режа:

1. Виртуал борлиқ тушунчаси
2. 3D технологиялар. Симуляторлар.
3. Панорамик тасвирлар

*Таянч тушунчалар: виртуал борлиқ, иммерсивлик, интерфаоллик, 3D технологиялар, симуляторлар, панорама, панорамик тасвирлар*

### 2.1. Виртуал борлиқ тушунчаси.

Информатика ва ахборот технологиялари йўналишида виртуал тушунчаси кенг маънода қўлланилмоқда. Масалан: виртуал машина, виртуал хотира, виртуал диск, виртуал алоқа, виртуал саёҳат, виртуал синф ва х.к. Биргина ушбу соҳасида ҳам виртуал тушунчаси турли шакл ва маъноларда қўлланилиб келинмоқда ва бир-биридан фарқли маъноларни англатади. Масалан, мультимедиа тизимларида виртуал тушунчаси виртуал борлиқ маъносини беради.

Виртуал (лотинча *Virtualis* — мумкин бўлган, яъни муайян бир шароитларда содир бўладиган ёки рўй бериши мумкин бўлган) тушунчаси нарсалар ва ҳодисаларнинг вақт ва маконда мавжуд бўлмаган, лекин объектив нарсалар ёки субъектив образларнинг амалга ошиш эҳтимоли мавжуд бўлган жараёни англатади.

«Виртуал борлиқ» атамаси 1970 йилларнинг охирида Массачусет технология институтида Jaron Lanier томонидан ўйлаб топилган. У 1984 йилда дунёда биринчи виртуал борлиқ фирмасини ташкил этди. Бу атама компьютерда яратиладиган муҳитда инсоннинг мавжудлиги ғоясини ифода этади. «Виртуал борлиқ» атамаси муомалага америкалик кинематографчилар томонидан киритилган. Улар муайян сабабларга кўра табиий йўл билан амалга ошириб бўлмайдиган ҳаёлий имкониятларни белгили-график шаклда сунъий амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кинолентани шу ном билан чиқарганлар.

Виртуал борлиқ — инсон реал борлиқда ҳаракат қилаётгани иллюзиясини компьютерда яратиш имконини берувчи интерфаол технология. Бунда объектив борлиқни табиий сезги органлари ёрдамида идрок этиш ўрнини махсус интерфейс, компьютер графикаси ва овоз воситасида сунъий яратилган компьютер ахбороти эгаллайди. Виртуал борлиқ амалда йўқ нарсa, уни қўл билан тутиш, унинг таъми ва ҳидини ҳис қилиш мумкин эмас. Шунга қарамай, у мавжуд ва инсон бу ҳаёлий оламга кириб, уни нафақат кузатади ва бошдан кечиради, балки унга таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга бўлади, ушбу оламда мустақил ҳаракат қилади, уни ўзгартира олади. Виртуал олам — инсон борлиғининг ўзига хос шакли ва одамлар маънавий алоқасининг алоҳида маданий ифодасидир. Аммо виртуал борлиқ реал физик борлиқдек лаззат бахш эта олмайди, чунки бу борлиқ таъсирида вужудга келувчи ҳис-туйғулар кўп жиҳатдан унинг ўзи билан эмас, балки уни биз қандай идрок этишимиз билан белгиланади. Биз виртуал денгизда чўмилишимиз мумкин, аммо бунда пайдо бўлувчи ҳис-туйғуларимиз бу денгизни биз қандай идрок этишимизга боғлиқ бўлади. Виртуал тарвуз ҳақиқий тарвuzдан ширин эмас ва ҳ.к. Виртуал борлиқни одамлар яратади. Шу боис виртуал борлиқда мавжуд барча нарсаларнинг манбаи инсон онгидир. Бинобарин, виртуал борлиқ онг, онг ости соҳаси ва фантазия чиғириғидан ўтувчи физик борлиқдан шаклланади. Виртуал борлиқ объектив тарзда, яъни инсон миёсида эмас, балки компьютерда мавжуд бўлади. Айни вақтда, у инсон онгининг маҳсулидир. Инсон томонидан яратилганидан кейин у инсон онгидан қатъий назар яшашда давом этади, бу онгга ҳар хил таъсир кўрсатади, мазкур онгнинг мазмунига - билимлар, эмоциялар, кайфият ҳамда онгнинг бошқа унсурларига қараб, ҳар хил идрок этилади.

Бугунги кунда виртуал борлиқ инсон маданий фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилмоқда. Виртуал борлиқдан энг аввало у вужудга келган соҳада, фанда, жумладан физикада суюқлик ва газлар динамикасини

моделлаштиришда, кимёда кимёвий реакциялар моделини тузишда, геология ва география фанларида фойдаланилмоқда.

Мухандислик соҳасида, айниқса, хавфли шароитларда: очиқ космосда, денгиз ва океанларнинг чуқур жойларида, ядро муҳандислигида роботларни масофадан туриб бошқаришда виртуал борлиқ кенг қўлланилмоқда. Компьютер дизайни ва унинг ажралмас ҳамроҳи - компьютер ишлаб чиқариши ракеталар ва самолётлар, автомобиллар катта бинолар конструкцияларини синовдан ўтказишда ягона жараёнга бирлаштирилди. Виртуал борлиқ технологиясидан ҳарбийлар ҳам кенг фойдаланилмоқдалар. Масалан, АҚШ армиясида ҳарбий хизматчиларда мерганлик кўникмаларини шакллантиришда имитаторлардан, жанг шароитида тез ва тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасини шакллантириш учун эса ҳарбий докторлардан фойдаланилади. Жуда қимматга тушадиган ва атроф муҳитга катта зарар етказадиган ҳарбий машқлар имитация қилинмоқда. Танк қисмларида танкдан ўқ узишни ҳамда танк жангида аскарлар ва офицерларнинг шахсий иштирокини имитация қилувчи ҳарбий ўйинлардан фойдаланилмоқда. Лойиҳалаштирилган, лекин ҳали ясалмаган курол-аслаҳа турлари синовдан ўтказилмоқда. Ҳарбийлар олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва уларга баҳо бериш учун ҳам компьютер имитациясидан фойдаланилмоқдалар. Таълим соҳасида машқ тренажёрларини яратишда виртуал борлиқ технологиясидан фойдаланилмоқда. Яқинда виртуал кутубхоналар ва музейлар ташкил этиш концепцияси тақлиф қилинди. Масалан, виртуал кутубхоналарда фойдаланувчи компьютер ёрдамида китоб жавонларининг визуал тасвири бўйлаб ҳаракатланиши, керакли адабиётларни топиши ва олиб кўздан кечириши, зарур ҳолда эса улардан нусха кўчириши мумкин. Виртуал музей концепцияси бир қадар бошқача. Виртуал музей фойдаланувчиларга коллекциядаги исталган экспонатни унинг табиий, уч ўлчовли кўринишида кўриш имконини беради. Аммо бу тасвирий ечиш қобилияти анча юқори бўлган дисплейларни тақозо этади. Шундай қилиб, виртуал борлиқ назарий изланишлардан оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникациялар

ажралмас қисми бўлган ҳозирги замон маданиятининг таркибий қисмига айланди.

Виртуал борлиқ – бу сунъий ҳосил қилинадиган ахборот муҳити бўлиб, у атроф-муҳитни одатий усулда тасаввурни турли техник воситалар асосида ҳосил қилинадиган ахборотлар билан алмаштиришга қаратилади. Таълимий мақсадларда виртуал реаллик воситаларини ишлаб чиқишга қаратилган ахборотларни визуаллаштириш воситаларини яратиш бошқа техник воситалар ёрдамида эришиб бўлмайдиган педагогик самарани бериши мумкин.

Виртуал борлиқ **иммерсивлик** ва **интерфаоллик** тушунчалари билан боғлиқ.

**Иммерсивлик** деганда одамнинг виртуал борлиқда ўзини фарз қилишини тушуниш лозим.

**Интерфаоллик** фойдаланувчи реал вақтда виртуал борлиқдаги объектлар билан ўзаро мулоқотда бўлиб уларга таъсир кўрсатишга эга бўлади.

Виртуал борлиқ турлари:

- Пассив виртуал борлиқ (passive virtual reality) - инсон томонидан бошқарилмайдиган автоном график тасвирни товуш билан кузатилиши;
- Текширилувчи виртуал борлиқ чегараланган миқдорда фойдаланувчига тақдим қилинадиган сценарий, тасвир, товушни танлаш имконининг борлиги;
- Интерфаол виртуал борлиқ трекинг вазифасини бажара оладиган махсус қурилма ёрдамида яратилган дунё қонунлари асосида виртуал муҳитни фойдаланувчи ўзи бошқара олишидир;

Трекинг виртуал муҳитдаги реал объектнинг жойлашиши координаталарини (x, y, z) ва уни фазода жойлашиши бурчакларини (a, b, g) беришга мўлжалланган.

Виртуал борлиқ тизими деганда – биз имитацион дастурий ва техник воситаларни қабул қиламиз. Интерфаолликни таъминлаш учун, виртуал

тизим бошқарувчи амалларни қабул қилиши керак. Бу амаллар кўпмодалликга, яъни кўз билан кўрадиган, товуш орқали қабул қиладиган бўлиши керак. Бу амалларни амалиётда бажариш учун замонавий тизимларда турли товуш ва видеотехнологиялардан фойдаланилади. Масалан, катта хажмли товуш ва видеотизимлари, шунингдек одамнинг бош қисмига ўрнатиладиган шлем ва кўзойнак дисплейлар, “ҳид сезадиган” сичқончалар, бошқарувчи қўлқоплар, кибернетик нимчалар симсиз интерфейс биргалигида ишлатилади.

Витуал борлиқнинг инсоният учун таъсири:

- инсон ҳаётини ташкил қилишда ва тартибга солишда;
- инсонлар ўртасидаги алоқанинг янги шакли;
- ҳаётнинг асосий соҳалари сиёсат, иқтисод, санъат ва туризм соҳаларига ижобий таъсири борлиги;
- виртуал олам билан инсон ўзининг тартиб қоидалари ва ўз муҳитини яратиш мумкинлиги;
- ҳаёт ва виртуал борлиқ ўртасидаги алданиш мавжудлиги.

Витуал борлиқнинг ривожланишида уч ўлчовли муҳит ва интернет технологияларининг имкониятларининг ривожланганлиги катта таъсир ўтказди. Натижада, турли соҳаларда виртуал реаллик ишлатила бошлади. Масалан:

- кино оламида 1982 йил яратилган ТРОН номли расмли фильм, бу соҳадаги катта қадам бўлди. Ҳозирги вақтда виртуал реалликсиз бу соҳани тасаввур қилиш қийин.
- 2009 йил ББС радиоси томонидан яратилган виртуал драма бу соҳада ҳам келажаги бор эканлигини англатмоқда;
- санъат соҳасида 1970 йил Давид Эм ўзининг биринчи виртуал кўргазмаси билан ушбу атамани имкониятларини очиб берган;
- мусиқа соҳасида ҳам электрон мусиқа асбоблари виртуал реаллик имкониятларинг маҳсулидир.

Виртуал реалликнинг яратишда ахборот технологияларининг компьютер графикаси, реал вақт режими ва дастурлаш технологияларисиз шакллантириб бўлмайди. Бунда ҳозирда компьютер графикасининг OpenGL, Direct3D, Java3D, ва VRML кутубхоналаридан, дастурлашдан эса, C++, Perl, Java ва Python тилларидан фойдаланилмоқда.

Ҳозирги кунда туризм соҳасида виртуал реалликнинг қўлланилиши натижасижа виртуал саёҳат тушунчаси пайдо бўлди. Виртуал саёҳат – мультимедиа иловалари асосида симуляциланган саёҳат туридир. Бунда мультимедиа иловалари сифатида матн, расм, товуш, панорама, анимация ва видео воситалари иштирок этиши мумкин. Биринчи виртуал саёҳат 1994 йил Дублай қасрида қиролича Елизабета 2 томонидан ташкиллаштирилган.

Виртуал борликни ҳозирда интернет технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Интернет – XX аср мўъжизаси. Ким орқада қолиб кетса, кейин виртуал дунё таракқиётига етолмайди. Интернет – инсоният қабул қилишининг янги ўлчами. Уни эгаллаш бир томондан осон, иккинчи томондан мураккаб. Унинг осонлиги шундаки, дастурларнинг энг осони оддий браузердан (ҳамма компьютерда мавжуд бўлган “Internet Explorer” браузердан) фойдаланишни билсангиз кифоя. Интернетни барча хизматларидан фойдаланиш учун бу дастур етарли. Бунинг учун, биринчидан, Интернет хизматларидан фойдаланиш бўйича билим ва малака талаб қилинади, иккинчидан, тармоқдаги хизмат ва маълумотлар асосан хорижий тилларда берилган. Ўзбек тилида жорий қилинган хизматлар, нашр қилинган маълумотлар ҳозирча кўп эмас.

Мавжуд ҳаётдаги бор нарсалар Интернетда – умумжаҳон компьютер тармоғида ҳам мужассам. Уни мукамал эгалласангиз:хат ёзиб, жавобини сонияларда оласиз;танишиб, давра суҳбатлар қурасиз, семинар, конференцияларда қатнашасиз;сиртқи ўқув юртларда таълим оласиз;тил ўрганиб, хорижий матнларни таржима қиласиз, луғатлардан фойдаланасиз;ажойиб умумжаҳон энциклопедияларидан фойдаланасиз; китоб, газета ва бошқаларни ўқийсиз, уйингизда дунё кутубхонаси



бўлади;уйингизда ўтириб бизнес ва ижод билан шуғулланасиз;пулли ва пулсиз амаллар бажарасиз;дунёга саёҳат қиласиз;виртуал (хаёлий) ҳаётга кирасиз ва ҳоказо.

Хуллас, Интернетда ҳам ҳаётдагидек барча воқеа ва ҳодисаларда реал ва виртуал иштирок этишингиз мумкин.

Витуал борликдеб реал дунёни компьютер симуляцияси орқали яратилган муҳитига айтилади. Витуал борлиқнинг асосий 3 та хусусияти мавжуд. Улар:

- таъсир доирасининг кенглиги;
- юқори визуаллашганлиги;
- уч ўлчовли муҳит.

## 2.2. 3D технологиялар. Симуляторлар

Мультимедианинг кириб келиши ахборот технологиялари соҳасида янги даврни бошлаб берди.

“D” атамаси инглизча “dimensions” сўзидан олинган бўлиб, “ўлчамлар” маъносини беради. 3D технологияси тасвирни визуал ва товушли узатиб беришнинг дунёдаги энг илғор усули ҳисобланади.

Ҳозирги кунда уч ўлчамли ҳайкаллар, йирик объектларнинг кичрайтирилган моделлари (машиналар, самолётлар, бинолар), шунингдек, турли илмий ишланмалар моделларини яшаш имконияти мавжуд. Бунинг учун албатта 3D принтерлардан фойдаланилмоқда.





*6-расм. 3D- принтерлар ва улар ёрдамида ишлаб чиқилган маҳсулотлар*

3D принтерлар - уч ўлчамли чизмалар асосида нарсалар "чоп этувчи" принтерлардир. Ҳозирча бу каби ишланмалар тор доирада амалга оширилади бўлса, яқин келажакда бемалол уй шароитида 3D-принтердан масалан бир жуфт кроссовка, кийим ёки рўзгор буюми чиқариб олишнинг имкони бўлади.

Уч ўлчамли чоп этиладиган маҳсулотларнинг нархи пасайишини инобатга олсак, ушбу технологияга талаб ошмоқда. Бугунги кунда Boeing компанияси ўз самолётларининг 200 дан ортиқ деталларини 3D-чоп этиш технологияси асосида ишлаб чиқмоқда. 5-расм. 3D принтерлар ва улар ёрдамида ишлаб чиқилган маҳсулотлар

Уч ўлчамли чоп этиладиган маҳсулотларнинг нархи пасайишини инобатга олсак, ушбу технологияга талаб ошмоқда. Бугунги кунда Boeing компанияси ўз самолётларининг 200дан ортиқ деталларини 3D чоп этиш технологияси асосида ишлаб чиқилмоқда.

## Симуляторлар

Ўқув жараёнида моделлардан фойдаланиш янги усул эмас. Қадим-қадимдан ўқув-ўрганиш мобайнида моделлардан фойдаланиб келинган. Симуляторлар ўқув жараёнинг қарийб барча жабҳаларида: бошланғич таълимдан бошлаб олий ўқув юртларигача, оддий тил ўрганишдан то механика соҳаларигача қўлланилиши мумкин. Кейинги вақтларда хаттоки медицина соҳасида ҳам симуляторлардан фойдаланилмоқда. Аммо биз ушбу маърузада асосий эътиборни компьютер симуляторларига қаратамиз.

Компьютер симуляторларидан асосан икки йўналишда фойдаланиш мумкин: ҳақиқий объектларни моделлаштириш ҳамда ушбу моделларни ривожлантириш. Ҳаётий объектларни моделлаштиришда энг содда чиплардан тортиб бутун бошли мураккаб компьютер тизимларигача виртуал прототипларини яратиш мумкин. Ўқувчилар ушбу виртуал моделларни ўрганиш жараёнида уларнинг ишлаш принцип ва усуллари янада такомиллаштиришлари ҳам мумкин бўлади.

### **Ўқув юртларида симуляторлардан фойдаланиш керакми?**

Ушбу саволга энг қисқа ҳамда бизнинг наздимизда тўғри бўлган жавоб, “Ҳа, албатта”дир. Симуляторлардан фойдаланишнинг асос сабабларидан бири уларнинг реал объектларга нисбатан жуда ҳам арзон алтернатив эканлигидадир. Ҳаммага маълумки, ахборот технологиялар ва компьютер соҳасини ўқитишда асосан лексиялардан фойдаланилади; нари борса программалаш тилларини ўқитишда маълум бир дастурлар тузиш бўйича машғулотлар олиб борилади. Аммо компьютер жихозларини яшаш, операциён ва нетворк тизимларини ўрнатиш ҳамда синовдан ўтказиш қимматбаҳо ускуналарга эҳтиёж туғдиради. Ўзўзидан маълумки Ўзбекистон коллеж ва университетларида бундай имкониятлар ҳозирча кенг қўламда мавжуд эмас. Симуляторлар эса шундай ҳақиқий асбоб-ускуна ва жихозларсиз виртуал ҳолатда компьютер ҳамда нетворк қурилмаларини яшаш ва синовдан ўтказишга имконият яратади. Бу ўз-ўзидан нафақат катта миқдорда маблағлар тежалишига, балки уларга умуман эҳтиёж ҳам

туғдирмайди. Симуляторларнинг қарийб ҳеч қандай молиявий маблағлар талаб этмаслиги маълум тадқиқотларни талабалар томонидан юзлаб, керак бўлса минглаб маротаба қайта-қайта амалга оширишга имконият яратади.

Симуляторлардан фойдаланишнинг яна бир афзаллик томони уларнинг хавфсиз эканлигидир. Баъзи тадқиқотларни амалга ошириш инсон ҳаёти учун хавф туғдиради, масалан, экологик хавфли зоналарни кузатиш жараёнида маълумотларни йиғиш учун фойдаланиладиган нетворк тармоғини ўрганиш. Бундай тадқиқот катта миқдорда молиявий харажат талаб этибгина қолмасдан, тадқиқотни олиб боровчилар ҳаётига хавф ҳам туғдиради. Симуляторлар ёрдамида эса экологик хавфли зона ҳамда у ерга мос бўлган нетворк тармоғи виртуал ҳолатда ясалиши ва уларнинг устига истаганча экспериментлар ўтказилиши мумкин.

Симуляторлардан фойдаланиш жараёнида талабалар маъруза вақтида ўрганган теория ва билимларини виртуал бўлсада ҳаётга тадбиқ қиладилар. Ушбу тадқиқотлар жараёнида билимларини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда назария ҳамда ҳаётий тадбиқотларнинг ривожланишига бевосита хисса қўшадилар. Бундан ташқари ўша симуляторларнинг ҳам янада ривожланишига, янада ҳақиқий ҳаётий тадқиқотларга яқин натижалар берадиган даражага чиқаришда ўз хиссаларини қўшишлари мумкин. Бу ўз ўрнида талабаларни фақатгина “тингловчи” вазифасида қолмасдан, бевосита илмий-тадқиқот ишларида қатнашувчиларга айлантиради. Бу эса ўз навбатида талабаларда ўқиш ва тадқиқотларга бўлган қизиқишларини янада ортишига олиб келади.

Ҳозирги фан-техниканинг катта суръатларда ривожланиши реал-ҳаётий тадқиқот ускуналарини ушбу ривожланиш билан бир қаторда кетишида қийинчилик туғдиради. Симуляторларда эса бундай тўсиқлар мавжуд эмас ва ҳатто ушбу “виртуал тадқиқотхоналар” фан-техника ривожланиш тезлигига қўшимча тезлик қўшади.


Албатта ҳар соҳада бўлгани каби симуляторлардан фойдаланишга нисбатан ҳам қарши фикрлар мавжуд. Улардан энг биринчиси

симуляторларнинг ҳақиқий объект ва жараёнларни тўла-тўқис ифода эта олмасликларидир. Бу симуляторлар ёрдамида олинган натижалар билан ҳаётий тажрибалардан ҳосил бўлган натижалар ўртасида тафовутлар пайдо бўлишига олиб келади. Баъзи симуляторлар эса ўйин шаклида ясалган, масалан, учувчилик симуляторлари. Улар фойдаланувчиларда доимий ишқибозлик келиб чиқишига олиб келади ва натижада тадқиқотдан кўра кўпроқ ўйин тарафи босиб кетади.

Шунга қарамадан юқорида кўрсатилган симуляторлардан фойдаланишнинг салбий томонлари ижобий томонларига нисбатан анча кучсиз ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари мавжуд. Шунинг учун улар симуляторлардан фойдаланишнинг қандайдир маънода чекланишига асосий сабаб бўла олмайди.


### **Crocodile Physics дастури ҳақида.**

Crocodile Physics дастури кучли симулятор бўлиб, физик жараёнларни моделлаштириш ва Физиканинг Механика, Электр занжирлар, Оптика ва Тўлқин ҳодисалари бўлимларига оид тажрибалар яратиш ва кузатиш имкониятини берувчи дастурдир.



### **Crocodile Technology дастурий ҳақида**

Бу дастур ўрта мактаб ўқувчи ва ўқитувчилар, лицей, коллеж талабалари учун физика фаннини «Электр» қисмини чуқурроқ ўзлаштиришда ҳозирги замон ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, Crocodile






Technology дастуридан электротехника, электр занжирлар назариясини ўрганиш курсларида ҳам фойдаланиш мумкин.

### Crocodile Chemistry дастури ҳақида.

Crocodile Chemistry дастури орқали Менделеев жадвалида мавжуд барча элементларнинг кимёвий ва физикавий хусусиятларини ўрганиш мумкин. Одатда кимёвий реакциялар руй бериш вақтида реакцияга қатнашаётган молекулаларнинг



бошқа молекулага айланиш жараёнини (молекуляр даражада) кузатиш иложи йўқ. Бу дастур орқали кимёвий жараёнларни моделлаштириш, турли реакцияларни ўтказиш ва, энг асосийси, буни хавфсиз амалга ошириш мумкин.


### Crocodile ICT дастури ҳақида.

Crocodile ICT дастури, Европа мамлакатларида Информатика фанини ўқитишда жуда яхши самара бермоқда. Бу дастур ёрдамида информатикада дастурлаш жараёнини, аниқроқ қилиб айтганда алгоритмлаш бўлимини ўқувчига аниқроқ етказиб бериш мумкин.



### PHET сайти


Нобель мукофотининг лауреати, физик К. Виман томонидан «Physics Education Technology» (PHET) сайти яратилган. PHET сайтида ҳар хил мавзуларга оид моделлар мавжуд бўлиб, улар Java (ва HTML5



форматларида) дастурида яратилган. PHET сайтида тақдим этилаётган моделлар очик манба (Open Source) сифатида хоҳлаганча фойдаланиш мумкин.

### 2.3. Панорамик тасвирлар

Витуал борлиқ атамасининг илк босқичлари панорама сифатида тушинилиб келинган. **Панорама** – грекча кўриш майдони деган маънони англатади. Панораманинг турли шакллари мавжуд бўлиб, улар: чизилган, шакллантирилган, тасвирга олинган ва видео-фильм кўринишидаги турларидир. Ахборот технологияларида панорама 360 градус бурчак остидаги кўриш имкониятига эга тасвир тушинилади. Панорама орқали инсон бир нуқтадан бутун борлиқни кўриши мумкин.



*Панорамик расмларнинг жойлашиши.*

Панорамик тасвирлардан фойдаланган ҳолда виртуал саёҳатлар уюштиришни ташкил қилиш ҳозирги кунда мижозларни жалб қилишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади. Саёҳатчилар ва қизиқувчилар тушунчасини янада бойитиш ва у ҳақда тўлиқ тасаввурларни олиш имконини беради ҳамда маълум бир маънода фойдаланувчига завқ бағишлайди. Интернетда фойдаланаётган одам битта панорамик расмни очиб кўргандан кейин албатта кейингиларига беэҳтиёр қизиқиш билдиради, кейингиларини очиб кўргиси, фойдалангиси келади. Масалан, [www.3dmekanlar.com](http://www.3dmekanlar.com) – Саудия

Арабистони муқаддас жойлар ва тарихий ёдгорликларга виртуал саёҳат уюштириш сайти яққол мисол бўлади. Сайтда муқаддас обидалар, масжидлар, тарихий ёдгорликлар ва шунга ўхшаш жойлар расмларга олиниб панорамалар тайёрланган. Фойдаланувчилар бемалол уйларида ўтирган ҳолда ушбу муҳитга тушиб, биноларни томоша қилиши мумкин. Сайтнинг оммабоплиги, иқтисодий самарадорлиги жуда юқори. Лекин шу билан бирга камчиликлардан ҳоли эмас. Мисол учун интернет тезлиги паст жойларда ушбу сайтга ташриф буюриш қийинлашиши мумкин. Нимагаки панорамик тасвирларнинг ҳажмлари бироз катта бўлганлиги сабабли маълумот алмашиниш жараёни секинлашади. [www.aerorano.ru](http://www.aerorano.ru) сайти ҳам юқоридаги мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил қилинган. Бу сайтда нафақат тасвирлар балки видеопанорамаларни ҳам кўришимиз мумкин. Бу интерактив жараён бўлганлиги учун кўпчиликка жуда ёқимли ва ҳайратланарли бўлиб туюлиши мумкин.

#### **Назорат саволлари:**

1. Виртуал борлиқнинг инсоният учун таъсирини айтиб беринг.
2. Виртуал борлиқнинг асосий 3 та хусусиятини санаб беринг.
3. 3D технологиялар. Симуляторлар ҳақида айтиб беринг.
4. Crocodile Technology дастурий ҳақида айтиб беринг.
5. Crocodile Physics дастури ҳақида.
6. Crocodile ICT дастури ҳақида.
7. PHET сайтини изоҳлаб беринг.
8. Панорамик тасвирлар ҳақида айтиб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Bent B.Andresen and Katja van den Brink. Multimedia in Education.UNESCO Institute for Information Technologis in Education. 2013.ISBN 978-5-7777-0556-3.
2. Sanjaya Mishra, Ramesh C. Sharma. Interactive multimedia in education and training. ISBN 1-59140-393-6. Published in the United States of America by Idea Group Publishing. 2005



3. Tay Vaughan. Multimedia: Making It Work. Chapter 1: What Is Multimedia?. 2011. ISBN: 978-0-07-174850-6/p.15
4. Cecília Sík Lányi. VIRTUAL REALITY AND ENVIRONMENTS. First published April, 2012. Printed in Croatia. Published by InTech. ISBN 978-953-51-0579-4, p.27
5. Дехканов Ш. Симуляторлар: ўқув юртларида қўллаш перспективалари, infoCOM.UZ
6. <http://yenka.com>
7. <http://elearning.zn.uz/> Электрон таълим бўйича В.С. Хамидовнинг шахсий блоги

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-амалий машғулот:

#### Мультимедиа билан ишловчи дастурлар.

**Ишдан мақсад.** Мультимедиа технологиялари бўйича билимларни такомиллаштириш.

#### Назарий қисм

Мултимедиа таълим тизимини яратишда бир қатор жараёнларни бажариш керак, жумладан, таълим соҳасини танлаш ва зарур фанларни таҳлил қилиш, видеодарслар ёзишга мўлжалланган дастурлар орасидан энг яхшисини танлаш, видеодарсларни ёзиш ҳамда монтаж қилиш ва бошқалардан иборат. Видеодарслар ёзадиган дастурлар бир нечтадир. Улардан **Webineria, UltraVNC Screen Recorder, Captivate, BB FlashBack Express, Camtasia Studio, Jing** кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар компьютер экранидаги ҳаракатлар, микрофондан овозларни ёзади ҳамда компьютерлар тушунадиган видео файллар форматида ўгириб беради. Бу воситалардан **Camtasia Studio** дастури ўзининг интерфейси, жуда кўплаб форматлари, видео файлларга турли хил белгилар ва изоҳлар қўйилиши, дарсларга менюлар ҳосил қилиниши билан ажралиб туради, шунингдек, бу дастур ёрдамида аудио файлларни ҳам яратиш мумкин. Дарс ёзиш давомида экраннинг керакли жойини алоҳида ажратиб кўрсатиш имкони ҳам мавжуд. Ана шу афзалликлари туфайли видеодарслар ёзувчи дастур сифатида **Camtasia Studio** танланди.

**Camtasia Studio** – ажойиб утилита дастурлардан бири бўлиб. унинг ёрдамида экрандаги тасвир ва ҳаракатларни ёзиб олиш ва уни турли хилдаги кенгайтмаларда компьютер хотирасида сақлаш мумкин. Бундан ташқари ёзиб олинган видеони таҳрирлаш ва махсус плеерлар ёрдамида намойиш этишни таъминлаш мумкин. Дастур экраннинг исталган қисмидаги ҳаракатларни ва товушни одатда .AVI стандартида сақлаши мумкин. Ушбу дастур ёрдамида яратилган видео ҳужжатларни қуйида келтирилган кенгайтмаларни қўллаб қувватловчи дастурларга экспорт қилиш мумкин: -

AVI, SWF, FLV, MOV, WMV, RM, GIF, CAMV. Бундан ташқари исталган видео асосида ехе-файлни, яъни плеери ўзида жойлашган ҳужжатга компиляция қилиш имкони мавжуд. Қатор эффектлар ва қўшимча имкониятлар масофавий таълимда фойдаланиш имконини берадиган файлларни яратиш, дастурнинг оддий интерфейси орқали фойдаланувчига тушунарли амаллар билан тақлиф этилади.

**Camtasia Studio** дастури тўртта ёрдамчи қисмлардан иборат: **Camtasia MenuMaker**, **Camtasia Player**, **Camtasia Theater** ва **Camtasia Recorder**. Дастурнинг асосий қисми, шубҳасиз, **Camtasia Recorder** ҳисобланади. Барча дарслар айнан шу дастур ёрдамида яратилди. **Camtasia Studio** дастури ойнасининг пастки қисмида timeline деб номланувчи ишчи столи мавжуд бўлиб, у орқали аудио ва видео файллар устида турли хил амалларни бажариш мумкин.

Булар жумласига файлларни бир-бирига боғлаш, кераксиз қисмларни қирқиб ташлаш кабилар киради. Асосий ойнанинг марказида дастур ишлаши мумкин бўлган файллар рўйхатини кўрсатувчи «Корзина клипов» (Clip Bin) қисми жойлашган. Шу файлларни ўнг тарафдаги видеоплеерда кўриш мумкин. Бу кичкинагина **Camtasia Player** дастури фақатгина битта вазифани бажаради - AVI файлларини намоиш этади.

**CamtasiaStudio** дастурининг тизимда юкланиши қуйидагича:



7-расм. Camtasia Studio дастурининг умумий кўриниши.

**CamtasiaStudio** муҳарририда 4 та асосий бўлим мавжуд:

**1.Task List**- мавжуд имкониятлар бўлими. Бу бўлимда овоз ёзиш, PowerPoint га яратилган файлни тадбиқ қилиш ойналарини очиш мумкин.

**Add** қисмида:

“**Import media**”-тайёр видеофайлларни очиш;

“**Title clips**”- тайёрланаётган видео файлга ёзувлар қўйиш;

“**Voice narrayion**”- овоз ёзиш;

“**Record camera**”- видео камерада олинган файлларни тахрир қилиш ойналарини очиш имкониятлари жойлаштирилган.

**Edit** қисмида:

“**Audioenhancements**”-товишларни қайта ишлаш;

“**Zoom-n-PanProperties**” – Жорий файлнинг турли-ҳил ўлчамларда қайта ишлаш;

“**Callout Properties**”-турли автоматик фигуралар қўйиш ва тахрирлаш;

“**Transitions**”-ҳар-ҳил анимациялар қўйиш;

“**Opencaption**”- файлларни бошланғич ҳолати белгиланади;

“**FlashquizardsurveyMeneger**”-макромедиа флеш дастурида тузилган проектларни қўйиш ойналарини очиш имкониятлари жойлаштирилган.

“**Produce**” қисмида:

Тайёрланган проектни турли форматларда сақлаш ва **DVD,CD** дискларга ёзиш имкониятлари жойлашган.



8-расм. “Produce”- тадбиқ қилиш ойнаси.


2.“Clip Bin” 1-бўлимда танланган имкониятларни ойнасини кўрсатиш бўлими.

“Import media”




9-расм. Клиплар жойлашадиган ойна.

“Title clips”



10-расм. Клипларни тахрирлаш ойнаси.

“Voice narration”



11-расм. Овозли маълумотларни тахрирлаш ойнаси.

### “Record camera”



12-расм. Ҳаракатларни видеога олиш ойнаси.

### “Audio enhancements”



13-расм. Ёзилган овозли ёзувларни созлаш ойнаси.




## “Zoom-n-Pan Properties”



14-расм. Жорий видео файлини катталаштирилган ҳолда кўриш ойнаси.

## “Callout Properties”




15-расм. Жорий видео файлини тахрирлаш ойнаси.

## “Transitions”




16-расм. Мавжуд анимациялар ойнаси.

## “Open captions”



17-расм. Мавжуд анимациялар ҳолатини созлаш ойнаси.

## “Flash quiz and survey Meneger”



18-расм. Видео файлларнга тестлар тузиш ойнаси.




Юқорида **Camtasia Studio** дастурида кўрсатиб ўтилган ишлаш усуллари билан ҳолда видеомаърузани яратиш кетма кетлигини бажарамиз.

### Топшириқлар


1) Қайси мавзуда видеомаъруза ёзмоқчи бўлсак, аввал шу мавзу тақдиротини экранга очилади видеога олиш жараёнига тайёр ҳолатига келтирилади.

2) **Camtasia Studio** дастури ишга тушириб **New Screen Recording** бўлими танланади, сўнг экраннинг керакли қисми белгиланади (қизил чизик билан) ва дарс жараёнини ёзиш бошланади:




19-расм. Видеога олиш чегараларини белгилаш.

3) Машғулот якунлангандан сўнг **stop** тугмаси босилади олинган видеомонтаж қилинади:



## 20-расм. Видео файлни таҳрирлаш.

### 4) Тайёр видеога овоз ёзилади:



## 21-расм. Видео файлни овозларини таҳрирлаш.

5) **Voice naretion** бўлими очилиб **Start recording** буйруғи танланадисўнгра видео файл охирида **Stop recording** буйруғи танланадива файл **avi** кенгайтмали файл қилиб сақланади: Яъни куйидагича:


**Produce video** асбуйруғиберилади:



## 22-расм. Видео файлни яратиш.


6) Файл фармати танланади ва бир неча босқич сўровномалар тўлдирилади яъни унинг номи, проектнинг номи, очилишда юзаган келадиган муаммоларда экранга қандай маълумот кўринишини HTML кўринишини ҳам белгилаш мумкин.

Файл формати танланади ва Далее тугмаси босилади.



23-расм. Видео файлни яратишни тахрирлаш.


7) Видеони орқа фони учун ранг, бошқа маълумотлар созланиб, Далее тугмаси босилади:





24-расм. Видео файлни яратишни тахрирлаш.

8) Видео учун ном берилади ва **Далее** тугмаси босилади, кейинги ойнада сақлаш манзили кўрсатилиб **Готово** тугмаси босилади:




25-расм. Видео файлни яратишни тахрирлаш.

**Готово** тугмасидан сўнг, куйидаги ойна пайдо бўлади ва **Да** тугмасини босгандан сўнг видеомаяруза тайёр бўлади. Тайёр видеомаяруза **Camtasia Studio** дастурида автоматик ишлашни бошлайди.



Агар файлда қандайдир камчиликлар бўлса, ўша қисмларни кесиб олиб ташла, яъни тахрирлаш ишларидан сўнг қайта сақланади.



### **Назорат саволлари:**

1. “Record camera” ҳақида маълумот беринг.
2. “Audio enhancements” ҳақида маълумот беринг.
3. “Zoom-n-Pan Properties” ҳақида маълумот беринг.
4. “Callout Properties” ҳақида маълумот беринг.
5. .“Flash quiz and survey Meneger” ҳақида маълумот беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. [www.techsmith.com/camtasia/](http://www.techsmith.com/camtasia/)
2. [www.wikipedia.org/wiki/Camtasia\\_Studio](http://www.wikipedia.org/wiki/Camtasia_Studio)

## **2-амалий машғулот:**

### **Ўқув жараёнида симуляторлардан фойдаланиш. Панорамик тасвирлар билан ишлаш.**

**Ишдан мақсад:** *Симуляторларни юклаб олиш ва улар билан ишлашга ўрганиш. Ўқув жараёнида фойдаланиш учун панорамик тасвирлар ҳосил қилишни ўрганиш.*

### **Назарий қисм**

Ўқув жараёнида моделлардан фойдаланиш янги усул эмас. Қадим-қадимдан ўқув-ўрганиш мобайнида моделлардан фойдаланиб келинган. Симуляторлар ўқув жараёнинг қарийб барча жабҳаларида: бошланғич таълимдан бошлаб олий ўқув юртларигача қўлланилиши мумкин. Кейинги вақтларда хаттоки медицина соҳасида ҳам симуляторлардан фойдаланилмоқда. Симуляторлардан фойдаланишнинг асосий сабабларидан бири уларнинг реал объектларга нисбатан жуда ҳам арзон алтернатива эканлигидадир. Симуляторлар эса шундай ҳақиқий асбоб-ускуна ва жиҳозларсиз виртуал ҳолатда бирор бир физик жараённи моделлаштириш ҳамда виртуал лаборатория ишларини ўтказишга имконият яратади. Бу ўз-ўзидан нафақат катта миқдорда маблағлар тежалишига, балки уларга умуман эҳтиёж ҳам туғдирмайди. Симуляторларнинг қарийб ҳеч қандай молиявий маблағлар талаб этмаслиги маълум тадқиқотларни талабалар томонидан юзлаб, керак бўлса минглаб маротаба қайта-қайта амалга оширишга имконият яратади. Симуляторлардан фойдаланишнинг яна бир афзаллик томони уларнинг хавфсиз эканлигидадир. Баъзи тадқиқотларни амалга ошириш инсон ҳаёти учун хавф туғдиради, масалан, ядро физикасига оид бўлган ҳодисаларни ўрганиш. Бундай тадқиқот катта миқдорда молиявий харажат талаб этибгина қолмасдан, тадқиқотни олиб борувчилар учун ҳаётига хавф ҳам туғдиради.

Симуляторлардан фойдаланиш жараёнида талабалар маъруза вақтида ўрганган билимларини виртуал бўлсада ҳаётга тадбиқ қиладилар. Ушбу тадқиқотлар жараёнида билимларини янада мустаҳкамлаш билан бир қаторда назария ҳамда ҳаётий тадбиқларнинг ривожланишига бевосита хисса

кўшадилар. Бундан ташқари ўша симуляторларнинг ҳам янада ривожланишига, янада ҳақиқий ҳаётий тадқиқотларга яқин натижалар берадиган даражага чиқаришда ўз хиссаларини қўшишлари мумкин. Бу ўз ўрнида талабаларни фақатгина “тингловчи” вазифасида қолмасдан, бевосита илмий-тадқиқот ишларида қатнашувчиларга айлантиради. Бу эса ўз навбатида талабаларда ўқиш ва тадқиқотларга бўлган қизиқишларини янада ортишига олиб келади.

Табиий фанлар йўналишида 2001 йилдаги Нобель мукофотининг лауреати К. Виман томонидан «Physics Education Technology» (PhET) сайти яратилган. PhET сайтида ҳар хил мавзуларга оид моделлар мавжуд бўлиб, улар Java ва Macromedia flash дастурларида яратилган.

PhET сайтида тақдим этилаётган моделлар Open Source бўлиб, хоҳлаган фойдаланувчи бепул фойдаланиши мумкин. PhET даги моделлар сони 100 дан ортиқ бўлиб улар физика, математика, кимё фанларига оид намоёиш тажрибаларини ўтказиш, виртуал лаборатория ишларини ташкиллаштириш ва моделлаштириш имкониятига эга. Бу PhET сайтидаги симуляторлар Ўзбекистон давлат таълим стандартларига ва ўқув муассасаларида қўлланилаётган адабиётларига мос келади.


PhET сайтидаги моделлардан физика, математика, химия ва биология фанларидан дарс машғулотларида намоёиш тажрибалари сифатида, виртуал лаборатория машғулотларини ташкиллаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

PhET сайтидаги симуляторларни юклаб олиш учун <http://phet.colorado.edu> сайтига кириш керак.


## 1-Топшириқ

1. Браузер орқали <http://phet.colorado.edu> сайтига кириш ва чап томондан **Play with Simulations** ни танланг.


2. Сайт навигациясининг **Simulations** қисмида симулятор моделлар



фанлар кесимига ажратиб қўйилган.



Керакли фанга кириб, керакли моделни танланг ва **Download** тугмаси орқали кўчириб олинг.



3. Моделнинг қуйи қисмида “**For teachers**” қисмида ҳар бир модел учун методик кўрсатмалар (вирутал лаборатория ишлари, намоиш тажрибалари ва бошқ.) келтирилган. Ўқитувчи ҳеч қандай қийинчиликсиз қўйидаги қидирув фильтри орқали мавзуга оид дарс ишланасини ёки методик



кўрсатмаларни, таълим тури кесимида pdf ёки doc форматларида кўчириб олиши мумкин.

**Simulations**

- New Sims
- HTML5
- Physics
- Biology
- Chemistry
- Earth Science
- Math
- By Grade Level
  - Elementary School
  - Middle School
  - High School
  - University
- By Device
  - iPad/Tablet
  - Chromebook
- All Sims
- Translated Sims

**Teaching Resources**

- Research
- Accessibility
- Donate

**Neuron**

Download Embed

**ABOUT**

**FOR TEACHERS**

**Teacher Tips**

Overview of sim controls, model simplifications, and insights into student thinking ( PDF ).

**Teacher-Submitted Activities**

TITLE	★	PHET	AUTHORS	LEVEL	TYPE
Neuron - an inquiry lesson idea	★	PHET	Trish Loeblein	UG-Intro HS	HW Lab

Browse more activities.

SHARE AN ACTIVITY!

4. Ушбу сайтда бир нечта тилларга таржима қилинган моделларни топиш мумкин, хусусан ўзбек тилига таржима қилинганлари ҳам мавжуд. Бунинг учун **Simulations - Translated Sims** бандига кириш ва тиллардан ўзингизга кераклигини танланг, масалан ўзбек тилини. Моделлар рўйхати чиқади ва ушбу моделларнинг кераклигини юклаб олиш мумкин.

**Uzbek (Uzbek)**

SIMULATION NAME	CODE	
Atomic Interactions	Atomic Interactions	↓
Balancing Act	Действие по балансированию	↓
Build an Atom	Build an Atom	↓
Fluid Pressure and Flow	Суюклик Босим ва Оқим	↓
Geometric Optics	Geometrik optika	↓
Isotopes and Atomic Mass	Isotopes and Atomic Mass	↓
Salts & Solubility	Tuzlar va eruvchanlik	↓
States of Matter	States of Matter	↓
States of Matter: Basics	States of Matter: Basics	↓
Under Pressure	Босим остида	↓

**Simulations not yet translated into Uzbek**

- Acid-Base Solutions (HTML5)
- Acid-Base Solutions
- Alpha Decay
- Area Builder (HTML5)
- Arithmetic (HTML 5)

Агар сиз дастурда келтирилган моделларни ўзбек тилига таржима қилишни ҳохласангиз, ҳеч қандай қийинчиликсиз буни амалга оширишингиз мумкин. Бунинг учун рўйхатдан ўтиб, махсус қайдномани тулдирган ҳолда тегишли моделни танлаб ўзбек тилига таржима қилиш мумкин.

### **Панорамик тасвирлар ҳосил қилиш.**

Қуйида биз 360 градусли панорамик тасвирларни яратишни қулай ва осон, оптимал вариантларини кўриб чиқамиз. Бунинг учун бизга унча кўп нарсa керак эмас. Ҳамма ҳам қилиши мумкин бўлган, тушунарли методларни кўллаймиз.

### **2-топшириқ.**

1. Биринчи ўринда ишимизнинг объектини аниқлаштириб оламиз. Мисол учун бирон бир янги қурилган ҳашаматли иншоат, чиройли бир манзарали жой, ўқув бинолари, ўқув хоналари, музейлар, тарихий обидалар, ёдгорликлар ва х.к.

Амалга ошириладиган ишларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

- тасвирга олиш;
- тасвирларни дастурий воситалар ёрдамида бирлаштириш.

#### **Тасвирга олиш жараёни:**

- аниқ бир нуқта танлаб олинади;
- фотоаппарат ёрдамида ҳамма жой бир нуқтадан суратга олинади;


Тасвирга олиш жараёни учун айрим техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ва ишнинг сифатини таъминлашга катта ўрин тутди. Улар қуйидагилар:

- рақамли фотоаппарат;
- штатив;
- даражани кўрсатадаган;
- нуқтани белгилаб берувчи асбоб;
- флеш-карта.

Агар профессионал фотоаппарат бўлмаса, сифатли расмга оладиган телефондан фойдалансангиз ҳам бўлади.



Агар штатив бўлмаса, ип ва бир бўлак темирчадан фойдалансангиз бўлади. Бу имкониятлар билан уйда ҳам бемалол шуғулланиб кўришингиз ва малакангизни оширишингиз мумкин. Бир нуқтани белгилаб олганингиздан кейин, фотоаппарат ёки телефонга ип боғланади. Фотоаппарат бир нуқтадан бошқа жойга жилмаслиги учун белгиланган нуқта билан боғланган ип ўзаро мутаносиб ҳолатда туриши зарур.



Акс ҳолда олинган тасвирларни бирлаштириш жараёнида қийинчиликларга дуч келиш мумкин. Дастурий воситалар ёрдамида қилинган ишнинг сифатли чиқиши учун шундай тартибда ишлаган мақсадга мувофиқ. Фотоаппарат бир нуқтадан жилмаган ҳолда ҳамма тараф сурагга олинади: ҳамма ёнбошлар, паст ва тепа тараф.

Расмлар сони қанча кўп бўлса бирлаштириш жараёни шунча сифатли чиқади. Чунки, дастур бирлаштириш жараёнида ўзи мустақил энг оптимал бўлган расмларни танлаб, қисман-қисман жойларини қирқиб олиб бирлаштиради. Рангларни бир-бирига мутаносиблигини дастурнинг ўзи мустақил бажаради. Расм файллар сони турлича бўлиши мумкин. Аслида “Зеркальный аппарат”да олинса 8 та расм етарлича бўлади. Лекин бундай фотоаппаратда олиш имконияти ҳамма дам ҳам бўлмаганлиги сабабли расмлар сонини кўпайтириш керак. Яъни бу кўрсаткич **50** тадан **100** тагача бўлиши мумкин.



Сурагга олиш ишлари тугаллангандан кейин, расмларни флеш-картадан компьютер хотирасига ўтказилади. Расмлар бирма-бир кўздан кечирилади. Расмларни ҳажми жуда катта аҳамиятга эга. Расмни ҳажми кичик, сифат даражаси юқори бўлиши керак. Бунинг учун бир қанча ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир расмнинг ҳажми **500-600 кб** бўлгани етарли.

Расмларни бирлаштириб, панорамик расм ҳосил қилиш учун бир қанча дастурий таъминотлар мавжуд: **AutoPanoGiga**; **PTGui**; **PanoramaMaker**; **Pano2VR**; **EasyPanoProfessional**; **Photoshop**.



Улар ичидан **AutoPanoGiga** ва **Pano2VR** дастурлари анча қулай ва ҳамма ҳам тушуниши мумкин бўлган дастурлар ҳисобланади. Биз қуйида шу дастурлар ёрдамида мисоллар келтириб ўтамыз.

## 2. AutoPanoGiga дастурида панорамик расм ҳосил қилиш.

Расмларни танлаб олиб дастур ойнасига ташланади. “СОЗДАТЬ” тугмаси босилади. Оддийгина панорамик расм тайёр. Ойнанинг чап томонида олинган расмлар ва ўнг тарафида ҳосил бўлган панорамик расм. “Редактировать” тугмаси орқали ҳосил бўлган расмни таҳрирлаш имкониятига эга бўламиз.








Расмни тахрирлаб, кўнгилдагидек ҳолатга келтириб олгандан кейин, редактировать тугмасы олдидаги шестрна белгиси босилади ва расм **JPEG** ҳолатда сақланади. JPEG расмнинг ҳажми 3-4 мб бўлиши керак. Агар катта бўлиб кетган бўлса, **Photoshop** ёки **MicrosoftPictureManager** дастурлари ёки оддий **Paint** орқали расм нисбатларини кичиклаштириш мақсадга мувофиқ. Расмнинг энига нуқталар сони **6000** та бўлгани айтиш мумкин. Расмларда ҳар хил доғлар, қорайиб қолган жойлар, улашлардаги хатоликлар ва бошқа камчиликларни олиб ташлаш учун **Photoshop** дастуридан фойдаланилади.



*Ранглари тўғриланган панорамик тасвирнинг умумий кўриниши*

3. Ҳосил бўлган расмни **Pano2VR** дастурига ташлаймиз. Экспорт бўлимидан Добавить тугмаси бўлсилиб ўзимизга керакли созланмаларни амалга оширишимиз мумкин. **SWF** форматда экспорт қиламиз, **FLASH** форматдаги файлнинг ҳажми **4-5 мб** атрофида бўлади.



26-расм. Pano2VR дастурининг интерфейси

Flash форматида сақланган файлни ислатган флеш-плеер ёки исалган интернет-браузерда очиб кўришингиз мумкин.

Юқоридаги кўриб ўтилган методлар орқали интерактив панорамик файллар таълим олувчилар қизиқишини янада орттиради. Математиклар математик шаклларни, тарихчилар музейларни панорамик тасвирини ҳосил қилиши мумкин.

#### Назорат саволлари:

1. Панорамик тасвирлар ҳосил қилишдеганда нимани тушунасиш?
2. AutoPanoGiga дастурида панорамик расм ҳосил қилиш.
3. Pano2VR дастурининг интерфейсини тушунтириб беринг.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. [www.techsmith.com/camtasia/](http://www.techsmith.com/camtasia/)
2. [www.wikipedia.org/wiki/Camtasia\\_Studio](http://www.wikipedia.org/wiki/Camtasia_Studio)

### **3-амалий машғулот:**

#### **Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар.**

**Ишдан мақсад:** *Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимлар билан ишлашни ўрганиш*

#### **Назарий қисм**

LMS/LCMS тизимлари электрон таълимни (масофавий таълим жараёнини) ташкил этишнинг асосий функцияларини ўз ичига олади. Бундай функцияларга ўқувчиларнинг(ўқитувчиларнинг, курс яратувчи педагогларни ва бошқа ролдагиларни) рўйхатга олиши, фойдаланувчиларни ўқув курслардан четлаштириш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш муҳитини яратиш, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзаро индивидуал ёки/ва гуруҳ бўлиб ҳамкорликда ишлашини (Web2 элементларини ишлатиш орқали) ташкил этиш, гуруҳлар яратиш ва уларни бошқариш, оралик, жорий ва якуний назоратларни ташкиллаштириш ва электрон назорат турларини яратиш (электрон назорат турларига ёпиқ турдаги тест, очик турдаги назорат, мосликни топишга оид, кетма-кетликни тўғри жойлаштириш, бўш қолдирилган жойни тўлдириш ва бошқа турлари киради), ҳар-хил турдаги ижтимоий сўровлар ташкиллаштириш, ўқувчиларнинг билим даражасини мониторинг қилиш, сертификатлар (дипломлар) бериш имконияти, электрон ахборот ресурсларини (электрон кутубхоналар) ташкиллаштириш, электрон ўқув ресурсларини экспорт/импорт қилиш имкониятлари, тизим фойдаланувчиларининг (ўқувчилар, ўқитувчилар(тьюторлар), курс яратувчи педагогларнинг) тизимга қачон, қанча вақт давомида ўқув контентлар билан танишганлиги, қайси IP адрес орқали кирганлигини (бу эса қайси давлатдан тизимга кирганлигини аниқлашга ёрдам беради), браузер ва қайси операцион тизим орқали кирганлиги, тизимда мавжуд фойдаланувчиларнинг активлигини махсус графиклар орқали мониторинг қилиш имконияти, ўқитувчи(тьютор) (ёки электрон курс яратувчи педагоглар) томонидан электрон ўқув ресурсларни яратиши, Authoring toolsларда SCORM, TinCan ёки бошқа стандартлар асосида яратилган электрон ўқув ресурсларини юклаши,

ўқувчиларнинг бошқа ўқувчилар/ўқитувчилар билан (Чат, Форум, видеоконференция, умумий электрон доскалар ёки тизимнинг ички/ташқи хабарлар алмашиш модули орқали) мулоқатини ташкиллаштириш, ўқув жараёнида бўладиган янгиликларни барча фойдаланувчиларга оммавий хабар юбориб турувчи модулларнинг мавжудлиги, иқтисодий ва маркетингга оид операцияларни бошқариш ва бошқа имкониятларни санаб ўтиш мумкин.

### **Moodle тизимида ўқув жараёнини ташкиллаштириш.**

**Moodle** – Web муҳитида ўқитиш ва on-line режимдаги дарсларни ташкил қилувчи кучли педагогик дастурий мажмуа ҳисобланади. Тизимда мавжуд ўқитиш модуллари: Forums, Materials, Messenger, Chat, Exercises, Group work , Student tracking ва анча кўп бўлган бошқа модуллари мавжуд. Бошқа LMS лар сингари IMS, SCORM ва бошқа стандартларни қўллаб қувватлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бошқа LMS тизимларга қараганда энг кўп қўшимча плагин ва модуллари мавжуд бўлган дастурий мажмуа айнан, Moodle дастурий мажмуаси ҳисобланади.

Ушбу мажмуанинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги турли хил электрон ресурслар алмашилиш, мажмуага вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини ошириш ҳисобланади.



Ҳозирги вақтда дунёнинг кўп давлатларининг ўқув муассасаларида масофавий таълим жараёнини айнан Moodle дастурий мажмуасидан фойдаланган ҳолда ташкиллаштирилмоқда.



Ўзбекистондаги кўплаб таълим муассасларида айнан виртуал таълим муҳити сифатида айнан Moodle дастурий мажмуаси фойдаланиб келинмоқда.

Очиқ кодли Moodle дастурий мажмуаси ўқув жараёнини бошқарувчи Web га йўналтирилган махсус тизим бўлиб, интернет тармоғида фойдаланишга мўлжалланилган. Тизимни яратишда очиқ кодли дастурий таъминотлардан фойдаланилган. Уни ишлатиш учун маълумотлар омборини бошқариш дастури (MySQL ёки PostgreSQL), PHP процессори, Web хизмати дастур (Apache ёки IIS) лари созланган сервер зарур. Оперцион тизим сифатида ихтиёрий кенг тарқалган тизимлардан биридан фойдаланиш мумкин (Windows, Linux, Mac OS X, Novell Netware). Ўқув модули ёзилаётган вақтда тизимнинг барқарор версияси moodle 2.5.

Тизимнинг расмий интернет манзили: <http://www.moodle.org>



## 27-расм. Moodle дастурий мажмуасининг умумий кўриниши

**Moodle** тизимидан фойдаланиш учун дастлаб мазкур **LMS** тизимида яратилган иловага аъзо бўлиш талаб этилади. **Moodle** тизимида рўйхатга олиш жараёни барча версияларида деярли бир хил кечади.

Дастлаб **Moodle** тизими ўрнатилган **URL(malaka.tdpu.uz:8080 - )** манзили орқали таълим тизимига кириш мумкин.

## TDPU huzuridagi MO va QT Markazi

**Kirish**

Foydalanuvchi nomi

Parol

☐ Remember username

[Login yoki parolni unutdingizmi?](#)

**Cookies** Sizning brauzeringizda ruxsat etilgan bo'lishi kerak ?

Ba'zi kurslarga mehmon bo'lib kirish mumkin

### 28-расм. Шахсий кабинетга кириш.

Рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар мазкур блок ёрдамида ўзига бириктирилгана логин ва пароль асосида тизимга кириш имкониятига эга бўладилар.

Аввал рўйхатдан ўтган, аммо тизимга кириш учун танлаган логини ёки пароли ёдидан кўтарилган ҳар қандай фойдаланувчилар эса Логин ёки паролни унутдингизми?(**Забыли пароль?**)хаволаси орқали ўз логини ёки паролини қайта тиклашлари мумкин. Логин ёки паролни тиклаш учун фойдаланувчидан рўйхатга олиш жараёнида киритган **e-mail** манзилини киритиш талаб этилади. Агар рўйхатдан ўтиш жараёнида номаълум **e-mail**манзилидан фойдаланилган бўлса, фойдаланувчи логини ва янги берилган пароли мавҳумлигича қолади. Бундай ҳолатларда фақат **Администратор** орқали муаммони ҳал этиш ёъли қолади.

Ушбу тизимдам дастлабки бор фойдаланаётган шахслар юқорида кўрсатилган блокдан **Создать учетную запись**хаволасини танлаши лозим. Натижада рўйхатга олиш саҳифаси намоён болади. Ушбу саҳифа майдонларига фойдаланувчи маълумотлари қуйидаги расмда келтирилган тартибда киритилиши мумкин.

➤ Основные

Логин

admin

Выберите метод аутентификации

Ручная регистрация



Учетная запись  
заблокирована



Создать пароль  
и уведомить  
пользователя



Пароль должен содержать символов - не менее 8, цифр - не менее 1, строчных букв - не менее 1, прописных букв - не менее 1, символов, не являющихся буквами и цифрами - не менее 1

Новый пароль

.....



[Показать](#)



### Принудительная смена пароля



Имя\*

Фамилия

Адрес  
электронной  
почты\*

© 2006 The Authors  
Journal compilation © 2006 Blackwell Publishing Ltd

Город

Выберите страну

Выберите страну...

### Часовой пояс

Время на сервере ▾

Описание 










Настройки

Изображение пользователя

Дополнительная информация об имени

Интересы

Необязательное

Обязательные для заполнения поля в этой форме помечены \*.

Создать пользователя

**29-расм.** Рўйхатга олиш саҳифаси.


Мазкур саҳифада берилган майдонларнинг барчасини тўлдириш тавсия этилади:

- ✓ **Логин** майдони – тизимга кириш учун ишлатиладиган логин ҳисобланиб, фақатгина лотин ҳарфларидан фойдаланилади;
- ✓ **Пароль** – тизимга кириш учун ишлатиладиган махфий калит бўлиб, унга камида битта катта ва кичик лотин ҳарфлари, битта рақам ва битта тиниш белгларидан фойдаланиш зарур. Махфий калит узунлиги 8 та белгидан кам бўлмаслиги талаб этилади;
- ✓ **Адрес электронной почты** – авторизация учун ишлатиладиган электрон почта манзили. Киритилган почта кутиси фаол ҳолатда бўлиши зарур. Бир **e-mail** манзили ёрдамида фақат бир марта рўйхатдан ўтиш мумкин;
- ✓ **Адрес электронной почты (еще раз)** – **E-mail** майдонига киритилган почта манзилини тасдиқлаш учун киритилади. Ушбу майдонга **E-mail** майдонига киритилган почта манзили айнан киритилиши талаб этилади;
- ✓ **Имя** – Профессор-ўқитувчининг исми;
- ✓ **Фамилия** – Профессор-ўқитувчининг фамилияси;
- ✓ **Город** – Профессор-ўқитувчининг турар жойи;

✓ **Страна** – Профессор-ўқитувчи фуқаролиги.

Юқоридаги барча майдонлар тўлдирилгандан сўнг **Сохранить** тугмаси босилади. Администратор тасдиғидан сўнг профессор-ўқитувчилар тизимдан фойдаланиши имкониятига эга бўладилар.

Профессор-ўқитувчи юқоридаги саҳифада логин ва паролини мос равишда майдонларга киритиб **Вход** тугмасини босгандан сўнг, киритилган логин ва пароль текширилади. Агар логин ва пароль бири-бирига мос бўлса, профессор-ўқитувчи тизимга кириши мумкин, акс ҳолда хатолик ҳақида хабар намоён бўлади. Шунингдек, логин ва паролни киритиш вақтида **CapsLock** индикаторини ҳолатига ҳамда тизимнинг киритиш тилининг тўғрилигига аҳамият бериши керак.



**30-расм.** Фойдаланувчининг бош саҳифаси.

Профессор-ўқитувчи тизимдаги шахсий маълумотларини тўлиқ киритиши ёки таҳрир қилиши мумкин. Бунинг учун саҳифанинг юқори қисмида исм ва фамилияси ёзилган ҳаволани босиш керак. Ушбу қўшимча меню ёрдамида профессор-ўқитувчи маълумотларини таҳрир қилиши, баҳолар ҳисоботини кўриши, бошқа фойдаланувчилар билан хабар алмашиниши, тизимдаги ўзига тегишли соғламаларни ўзгартириши ҳамда тизимдан чиқиш каби амалларни бажариши мумкин.



Фойдаланувчи менюсидаги **Моя домашняя страница** банди орқали тизимнинг бош саҳифасига ўтиш мумкин.

### Курс яратиш ва уни таҳрирлаш.

Курс яратиш учун тегишли категория танланади ва **Добавить курс** тугмаси босилади. Натижада эса қуйидаги расмда келтирилган саҳифа намоён бўлади:

▼ Общее

Полное название курса\*

Краткое название курса\*

Категория курса

Доступность

Дата начала курса

Идентификационный номер курса

Описание

Формат курса

Внешний вид

Файлы и загрузки

Гостевой доступ

Группы

Переименование ролей

Обязательные для заполнения поля в этой форме помечены \*.

Отмена Сохранить

31-расм.Добавить курс саҳифаси.

Кўриб турганимиздек, **Добавить курс** саҳифаси саккизта бўлимдан иборат бўлиб, унинг тўлдирилиши зарур бўлган асосий майдонлари куйидагилар ҳисобланади:

### 1. Общее

- ✓ **Полное название курса \*** – Курс (фан)нинг тўлиқ номи. Фойдаланувчилар мазкур ном бўйича курсдан фойдаланишади;
- ✓ **Краткое название курса \*** – Курс (фан)нинг қисқа номи. Тизим мазкур ном бўйича курсдан фойдаланишади;
- ✓ **Категория курса** – Курс тегишли бўлган категория;
- ✓ **Доступность** – Агар бу майдон **Кўрсатиш қийматига** тенг бўлса, мазкур курс **курслар рўйхатида** намоён бўлади. Акс ҳолда эса, курс яширин ҳолатга ўтади;
- ✓ **Дата начала курса** – мазкур майдонда кўрсатилган санадан бошлаб курс фаоллашади. Берилган санагача курсдан фойдаланиб бўлмайди;
- ✓ **Идентификационный номер курса** – бу майдонга курснинг **ID рақами** киритилади. **ID рақам** фақат бутун сонли қийматни қабул қилади. **ID рақами Moodle** тизимининг ички функционалигини ошириш учун фойдаланилади.

### 2. Описание

- ✓ **Описание курса** – бу майдон курс ҳақида қисқача кириш сўзлари билан тўлдирилади;
- ✓ **Файлы описания курса** – бу майдонга курс мазмуни билан алоқадор бўлган файлларни юклаш мумкин. Юкланган файллар асосида талабалар яратилган курс ҳақидаги барча маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

### 3. Формат курса

- ✓ **Формат** – **Курс формати** майдони яратилаётган курснинг шаклини белгилаб беради. Курслар бир элементли, ҳафталар

бўйича ҳамда мавзулар бўйича туркумланган бўлиб, бир курс учун улардан фақат биттасини танлаш мумкин бўлади. Одатда, курс шакли мавзулар бўйича бўлингани тавсия этилади;

✓ **Количество разделов** – курс мавзулари ёки ҳафталари сони бўлиб, мазкур қиймат 0 ва 52 оралиғида бўлиши керак. Мавзу ёки ҳафта сони курс билан ишлаш, қўшиш ёки ўчириш мумкин;

✓ **Отображение скрытых разделов** – яширин бўлимларнинг кўринмаслигини таъминлаш учун ушбу майдондан **Полностью невидимы** қийматини танлаш керак;

✓ **Представление курса** – ушбу майдон ўзида икки хил қийматни қамраб олган бўлиб, улар **Показывать все разделы на одной странице** ва

**Показывать один раздел на странице.** Биринчи қийматни танлаш орқали курснинг барча мавзулари бир саҳифада жойлашади. Иккинчи қийматини танлаш орқали эса ҳар бир мавзу алоҳида саҳифада акс этишини таъминлаши мумкин.

4. **Внешний вид** бўлимида курс учун фойдаланувчи тил, саҳифада янгиликларнинг сони, талабаларнинг баҳолари кўрсатилиши каби созлаш ишлари бажарилади.

5. **Файлы и загрузки** бўлимида юкланувчи файлларнинг максимал ҳажми белгиланади.

6. **Гостевой доступ** бўлими курсга меҳмонларнинг кириши учун пароль қўйиш имконини яратади. Бу бўлимга пароль қўйилганда, курсдан фақат паролга эга бўлган талабалар фойдаланишлари мумкин бўлади.

7. **Группы** бўлими орқали мазкур курсдан қайси гуруҳ аъзолари фойдаланиши мумкинлиги белгиланади.


8. **Переименование ролей** бўлими фойдаланувчи гуруҳларининг номи фақат ушбу курсга мослаб қайта номлаш имконини яратади.



Юқоридаги бўлим ва майдонлардан \* белгиси мавжудларини тўлдириш мажбурий ҳисобланади. Қолган бўлим ва майдонларни тўлдириш курс яратувчисининг хоҳшига боғлиқ бўлади.

Майдонлар керакли маълумотлар билан тўлдирилгандан сўнг **Сохранить и вернуться** тугмасини босиш орқали курс яратилади ва олдинги саҳифага қайтиш мумкин бўлади. **Сохранить и показать** тугмасини босиш орқали эса яратилган курс саҳифасига ўтиш мумкин бўлади. Курс яратишни бекор қилиш учун эса **Отмена** тугмаси босилади.

Яратилган **Виртуал таълим технологиялари** курси қуйидаги расмда келтирилган:




**32-расм. Виртуал таълим технологиялари курси кўриниши.**

Ҳар қандай курс яратилганда унинг таркибида **Новостной форум** элементи мавжуд бўлади. **Новостной форум** элементи курсдаги янгликлар бўйича курс иштирокчилари ўртасида музокара қилиш учун хизмат қилади.


Курсга курс элементлари ва курс ресурсларини қўшиш орқали масофавий таълим тизимини ишчи ҳолатга келтириш мумкин.

Бунинг учун курсни яратган профессор-ўқитувчи **Режим редактирования** тугмасини босиши керак. Натижада курс саҳифаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:



**33-расм. Виртуал таълим технологиялари курси кўриниши.**

⚙️ - Пиктограммасини босиш орқали мазкур курснинг бош саҳифасига сарлавҳа ҳамда курс ҳақида қисқа маълумотларни жойлаштириш имконини берувчи **Описание для «Общее»** саҳифаси намоён бўлади.




**34-расм. Описание для «Общее» саҳифаси.**

**Sectionname (Название раздела)** майдонида курс сарлавҳасини, **Qisqata`riflash(Описание)** майдонида эса курс ҳақида қисқа маълумотни киритиб, **O'zgarishlarnisaqlash(Сохранить)** тугмаси босилади. Ушбу

саҳифани таҳрирлашни бекор қилиш учун эса **Bekorqilish(Отмена)** тугмаси босилади.

Ҳар қандай курс яратилгандан сўнг курс иштирокчилари учун **Форум** янгиликлари номи остида **форум** автоматик равишда яратилади. Агар ушбу **форум** керак бўлмаса, **форум**ни куйидаги усул орқали ўчириб ташлаш ёки яширин ҳолатга келтириш мумкин. Худди шундай курс **модулини** ҳам яшириш ёки ўчириш мумкин.



**35-расм. Форум модулини ўчириш ёки яшириш.**

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, **Редактировать** менюсида жойлашган **Беркитиш(Скрыть)** буйруғи ёрдамида модулни яшириш, **Ўчириш(Удалить)** буйруғи ёрдамида эса ўчириш мумкин.

Модуллارни созлаш учун эса **Ўрнатишлар(Редактировать настройки)** бўлимидан фойдаланилади.

Мазкур менюда **Ролларни тайинлаш(Назначить роли)** буйруғи мавжуд ресурс ва элементлар вазифаси эътиборга олинган ҳолда фойдаланувчиларни аниқлаш мумкин.

**Кўпайтириш(Дублировать)** буйруғи орқали мазкур модулдан ушбу соҳага нусхасини кўпайтириш мумкин.

**Ўнгга ўтказиш(Переместить вправо)** ҳамда **Чапга ўтказиш(Переместить влево)** буйруқлари эса мазкур модулни мос равишда ўнгга ёки чапга суриш имконини беради.



+ Element yoki resursni qo'shish

### 36-расм. Модулни яшириш.

*Кўз белгиси* ёрдамида модулни яшириш мумкин.



+ Element yoki resursni qo'shish

### 37-расм. Модулни кўчириш

Кўрсатилган тугма ёрдамида модулни **юқорига** ёки **пастга** кўчириш мумкин.

Ҳар қандай курсга ёки курс бўлимларига қўшилган барча курс ресурслари ва курс элементлари ушбу усул ёрдамида таҳрирланади.

## Forum: Forum yangiliklari da rollarni tayinlash ?



Please choose a role to assign

Rol	Ta'riflash	Users with role
O'qituvchi		0
Non-editing teacher		0
Talaba		0

### 38-расм. Фойдаланувчиларни тайинлаш.

Фойдаланувчиларни бириктириш учун қизил чизик билан белгиланган соҳани босиш етарли бўлади.

Курсга ёки курс мавзуларига ресурс ёки элемент қўшиш учун керакли бўлимдан **+ Element yoki resursni qo'shish** тугмасини босиб, зарурий модуль танланади. Бир бўлимга исталганча элемент ёки ресурс қўшиш мумкин. Курсга қандай элементлар қўшиш мумкинлиги ҳақида куйида танишамиз.

Курсни яратиш жараёнида курснинг бўлимлари яъни нечта мавзу ёки ҳафтадан иборат эканлиги аниқ кўрсатилади. Бу эса яратилган курс аниқ қийматда бўлинган бўлади. Баъзи ҳолларда курсга янги мавзу қўшиш ёки ортиб қолганини ўчириш зарур бўлади. Ушбу масала юзасидан қўшимча бўлим қўшиш ёки ортганини олиб ташлаш учун курс саҳифасининг қуйида жойлашган  ва  тугмалардан мос ҳолатда фойдаланиш мумкин.

**Режим редактирования** тугмасини босиш билан нафақат курс бўлимларини созлаш ва курсга зарурий элемент ёки ресурс қўшиш, балки курсдан фойдаланаётган иштирокчилар учун қўшимча блоklar қўшиш ва уларни таҳрирлаш ишларини ҳам бажариш мумкин.

Курсга доир бўлган блоklarнинг бир қанча тури бўлиб, уларнинг умумий рўйхати қуйида келтирилган:

- ✓ HTML
- ✓ Личные файлы
- ✓ Люди
- ✓ Закладки администратора
- ✓ Искатель сообщества
- ✓ Календарь
- ✓ Комментарии
- ✓ Курсы
- ✓ Обмен сообщениями
- ✓ Описание курса/сайта
- ✓ Пользователи на сайте
- ✓ Внешние RSS-ленты
- ✓ Подопечные
- ✓ Меню блога
- ✓ Мои последние значки
- ✓ Текущий пользователь
- ✓ Теги

- ✓ Теги блога
- ✓ Случайная запись из глоссария
- ✓ Самостоятельное отслеживание завершения
- ✓ Состояние завершения курса
- ✓ Свежие записи блога
- ✓ Ссылки на разделы
- ✓ Результаты элементов курса
- ✓ Элементы курса


Ушбу рўйхатда номлари келтирилган блокларни курсга қўшиш ҳукуқи фақат курс муаллифларига берилган бўлиб, мазкур блоклардан талабалар фақат фойдаланишлари мумкин.

### **Курсга элемент қўшиш**

Бошқа **LMS** тизимларига караганда **Moodle** тизими орқали масофавий таълим тизimini ташкил этишда кенг имкониятлар мавжуд:

- ✓ Курс мазмунини бойитиш учун ўнлаб курс элементларини мавжудлиги;
- ✓ Талабалар учун ресурсларнинг бир қанча турдалиги;
- ✓ Фойдаланувчи ҳоҳлаган тилида ишлай олишлиги;
- ✓ Ҳар бир курсда дарслар модулларга бўлиб ташкил этилишлиги ва бошқалар.

**Moodle LMS** тизимида қуйидаги расмда акс эттирилган курс элементларимавжуд:



**39-расм.** Курс элементлари рўйхати.

**Анкета (Сўровнома)** – элементининг уч турдаги анкеталари масофавий таълим курсларини баҳолаш ва рағбатлантириш учун хизмат қилади. Профессор-ўқитувчилар анкета модули ёрдамида ўз талабаларини яқиндан билишга ёрдам берувчи маълумотларга эга бўладилар. Шунингдек, дарс самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи талабалар фикрларига ҳам эга бўлишлари мумкин. Шунини таъкидлаш жоизки, ушбу модуль саволлари олдиндан ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ўзгартириб бўлмайди. Талабалар учун махсус анкета тақдим этишда **Тесқари алоқа** хизматидан фойдаланиш мумкин.

**Чат (Чат)** – элементи курс иштирокчилари ўртасида ўзаро ёзма мулоқот қилиш имконини яратади. Курсга кириш имкони бўлган фойдаланувчилар **чат** модулидан ҳам фаол фойдаланишлари мумкин. **Чат** модулини яратишда чатнинг ишлаш вақтини кўрсатиш зарур. **Чат** фаол бўладиган вақтлар олдиндан белгиланади. Масалан: бир марта, ҳар куни белгиланган вақтда ҳамда ҳар ҳафта белгиланган вақтда. **Чат** фаоллашиш вақти ҳамда ундаги хабарлар билан боғлиқ созлаш ишларини профессор-оқитувчи **чат**ни яратиш вақтида белгилайди. **Чат** модулидан курс иштирокчилари бир-бирлари билан кўришишнинг имкони бўлмай қолганда фойдаланиш тавсия этилади. **Чат** модулидан қуйидаги ҳолатлар юз берганда фойдаланиш мумкин: □Турли жойда яшовчи бир курс иштирокчилари бир-бирлари билан ахборот алмашиш мақсадида;

- ✓ Талаба ўқитувчининг ёнига суҳбат учун боришни имконини топа олмаганда;
- ✓ Талабалар эришган ютуқларини талабалар ва ўқитувчилар билан муқома қилиш зарур бўлганда;
- ✓ Талабалардан мавзуга тайёргарлик кўриш учун ёрдам олиш мақсадида.

**Лекция (Дарс)** – ўқув элементи масофавий таълим тизмининг асосий мазмунини ёритиб берувчи элементлардан бири ҳисобланади. Унинг ёрдамида маъруза, амалаий машғулот дарсларининг маълумотлари ташкил этилади. Маъруза саҳифалар тўплами асосида ташкил этилади. Одатда, саҳифаларнинг ҳар бири саволлар билан якунланиб, саволларга берилган жавобга қараб талабалар кейинги босқичга ўтиши ёки олдинги босқични қайта ўзлаштириши аниқланади.

Маъруза элементи қуйидаги функцияларга эга:

- ✓ Ҳа  
р бир дарс баҳоланиш имконига эга бўлиб, олинган натижалар баҳолар журналига ёзилиб борилади;



- ✓ Ҳа  
р бир дарс таркибида бир неча саҳифалар яратиш имкони мавжуд;
- ✓ Ўз  
лаштирилган дарсларга бажарилганлик ҳақида белги қўйилади;
- ✓ Ян  
ги мавзуларни мустақил ўрганиш мумкин;
- ✓ Дарсларни назорат қилиш учун турли хилдаги тест саволларидан фойдаланиш мумкин.

**Внешний инструмент (Ташқи ускуна, Externaltools)**– элементи бошқа web-сайтларда жойлашган таълим ресурслари ва фаол намунавий элементларни курсга боғлаш имконини яратади. Масалан, ташқи ускуна курсга тегишли бўлган янги маълумот ёки илова бўлиши мумкин. Ташқи ускуна элементи **Гиперссылка** ресурсидан қуйидаги характерлар билан фарқланади:

- ✓ Ташқи ускуна узоқда жойлашган ресурсни ўз ресурси каби намоён этади;
- ✓ Ташқи иловаларни ўқиш, янгилаш ҳамда ўчириш натижасида баҳоларга эга бўлинади;
- ✓ Мазкур тизим билан ташқи илова ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилиб, уларнинг бирбирига ишончли деб топилгандагина боғланиш пайдо бўлади.

**Форум (Форум)** – элементи узоқ вақт давомида фойдаланувчилар ўртасида мулоқотни ташкил этади. **Форум** модулини чат модулидан фарқи бўлиб, чат аниқ бир вақт мобайнида қисқа хабарлар орқали мулоқот ташкил этиш учун хизмат қилади. **Форум** эса чатга қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, аниқ бир масала бўйича узоқ вақт давомида фойдаланувчилар ўртасида музокара олиб боориш имконини яратади. Музокара мобайнида фойдаланувчилар матнли ва графикли маълумотлардан фойдаланишлари мумкин. **Форум** янгиликларига аъзо бўлган фойдаланувчилар форум

янгиликлари ҳақида доимий хабардор бўлиб туради. **Форум** хабарлари профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар томонидан ҳам баҳоланиши мумкин. Натижавий баҳолар журнаliga ёзилишида иккала гуруҳ аъзолари берган баҳолари бирлаштирилади. **Форум** элементида қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин:

- ✓ Талабалар бир-бирлари билан яқиндан танишиш учун очиқ мулоқот интерфейси сифатида;
- ✓ Курс эълонларидан (янгиликлар **форумига** аъзо бўлганлар учун) хабардор бўлиш учун;
- ✓ Курс мундарижаси ёки курс маълумотларини муҳокама қилиш учун;
- ✓ Шахсий учрашувларда ташкил этилган мулоқотни давом эттириш учун;
- ✓ Профессор-ўқитувчилар ҳамкорлик муҳитини ташкил этиш учун (яширин форум шаклида);
- ✓ Маслаҳат маркази учун (профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун);
- ✓ “Жумбоқ”, “Ақлий ҳужум” каби мавзулар доирасида муҳокама-мунозара олиб бориш мақсадида.

**Глоссарий (Изоҳли луғат)** – элементи фойдаланувчиларга ресурс ва маълумотларнинг тизимлаштирилган ҳамда фаолият доирасида фойдаланиладиган луғат ташкил этиш имконини беради. Профессор-ўқитувчилар изоҳли луғатга файлларни бириктириш учун рухсат беришлари мумкин. Бириктирилган файлли ёзувлар ўқитувчи тасдиғидан сўнг изоҳли луғатда очиқ ҳолатда намоён бўлади. Изоҳли луғат ёзувларини алифбо, категория, киритилган сана ва муаллифи бўйича қидирб топиш мумкин.

Агар изоҳли луғатда автобоғланиш фильтри ёниқ бўлса, у ҳолда курсда ишлатилган сўзлар ва жумлаларга мос келган термин ҳақида маълумот олиш мумкин бўлади.

Изоҳли луғатдан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин:

- ✓ Атамаларнинг қўшма банки сифатида фойдаланиш;
- ✓ Янги талабаларнинг исми ва шахсий маълумотларини киритишни ўргатувчи майдон;
- ✓ Фойдали видео, графикли ва аудио маълумотларни сақлаш учун умумий муҳит сифатида ва бошқа ҳолатларда.

**База данных (Маълумотлар омбори)**– элементи фойдаланувчиларга барча жойдан ёзувларни излаш, яратиш ва хизмат кўрсатиш каби имкониятлар яратади. Ёзув структураси ўқитувчилар томонидан майдонлар сони орқали аниқланади. Майдонларнинг **меню, матнли соҳа, бир танловли ва кўп танловли майдон, қалқиб тушувчи рўйхат, гиперҳавола, расм ва файл юқловчи майдон** каби турлари мавжуд. Маълумотлар омбори маълумотларини кўриш ва таҳрирлаш визуал акс этиши маълумотлар омбори қолипи каби амалга оширилади. **База данных** элементидан мавжуд курсларда андоза сифатида ҳамкорликда фойдаланиши мумкин. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар маълумотлар омбори ёзувларини импорт ва экспорт қилишлари ҳам мумкин. Агар **База данных** нинг автобоғланиш фильтри ёқилган бўлса, у ҳолда маълумотлар омборининг ҳар қандай ёзуви мавжуд курсларда учрайдиган сўзлар ва жумлаларга автоматик боғланади. Профессор-ўқитувчилар маълумотлар омбори ёзувларини шархлашга рухсат бериши мумкин. Шунингдек, ёзувлар профессорўқитувчилар ва талабалар томонидан баҳоланиши мумкин. Натижавий баллар баҳолар журнаliga ёзилишида бирлаштирилиши мумкин. **База данных** дан қуйидаги ҳолатларда кўпроқ фойдаланилади:

- ✓ We  
b-ҳавола, китоб, китобга берилган тақриз, журнал ҳаволалари, библиографик рўйхат каби ҳамкорлик тўпламлари учун;
- ✓ Яр  
атилган сурат, плакат, web сайт ёки эртақларларни талабалар кўришлари ва ўзаро шархлашлари учун.

**SCORM (Шарабле Сонтент Обжест Референсэ Модель, «берилган объектдан ҳамкорликда фойдаланиш учун намунавий модели»)** – элементи ўқув объектлари учун мувофиқликда келишилган стандарт файллар тўпламини ўзида мужассам этган бўлиб, улар архив файл кўринишида бўлади. **SCORM** пакети бир неча саҳифа кўринишида бўлиб, файлдан фойдаланиш давомида файллар биридан-бирига ҳаракатланиши мумкин. Уларнинг акс этилиши турли хил бўлади. Масалан, **қалқиб чиқувчи ойна, мундарижа** ҳамда **навигацион тугмалар** кўринишида бўлиши мумкин. **SCORM** пакетида одатда саволлар ва жавоблар мужассам бўлади. Жавоблар учун берилган қийматлар баҳолар журнаliga киритилади. **SCORM** пакетидан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- ✓ Му  
 льтимедияли ва анимацион файлларни акс эттириш учун;
- ✓ Ба  
 ҳолаш ускунаси сифатида.

**Семинар (Семинар)** – ўқув элементи талабалар ишини ўзаро баҳолаш, жамғариш, кўриб чиқиш ҳамда тақриз бериш имконини яратади. Талабалар ўз ижодий ишларини ҳар қандай файл кўринишида тақдим этишлари мумкин. Масалан, **Word ҳужжати, Excel электрон жадвали**, шунингдек, **матн майдони** ёрдамида матн кўринишида ҳам тақдим этиши мумкин. Тақдим этилган маълумотлар бир қанча баҳолаш мезонлари асосида топшириқ берган ўқитувчи томонидан баҳоланади. Талабаларнинг бир ёки бир нечта курсдошларини баҳолаш ваколатлари мавжуд. Тақдим этилган ишлар ва тақризлар зарур бўлса, яширин ҳолатда бўлиши мумкин. Талабалар семинар учун иккита баҳога эга бўладилар. Ўзининг иши учун баҳо ҳамда бажарган иши учун курсдошлари томонидан берилган баҳо. Олинган баҳонинг ҳар иккиси ҳам баҳолаш журнаliga ёзилади.

**Опрос (Сўров)** – элементи профессор-ўқитувчиларга сўров ўтказиш имконини беради. Яратилган сўров таркибида фақат битта савол бўлади. Жавоблар сони эса исталганча бўлиши мумкин. Сўров жавобларидан бир ёки

бир неча вариантларини танлаш имконияти ҳам мавжуд бўлиб, бу имконият сўров яратилиш жараёнида белгиланади. Сўров натижалари белгиланган муддатда кейин намоён бўлиши ёки умуман натижалар кўрсатилмаслиги мумкин. Натижалар талабалар номи бўйича ёки яширин ҳолда акс этиши ҳам мумкин.

Сўров қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- |  |    |
|--|----|
| ✓  | Ма |
| взуни танлашда тезкор овоз бериш мақсадида;        |    |
| ✓  | Хо |
| тирани тезда текшириш учун;                        |    |
| ✓  | Та |
| лабаларнинг қарор қабул қилишида ёрдам бериш учун. |    |


**Задание (Топширик)** – ўқув элементи талабалар ишларини жамлаш, баҳолаш ва уларни шархлаш ҳамда ўқитувчиларга коммуникатив топширик қўшиш имконини яратади. Талабалар ҳар қандай рақамли файлларни юборишлари мумкин. Жумладан, **Word ҳужжатлари, электрон жадваллар, расмлар, аудио ёки видео** файллар. Қўшимча ёки ёрдамчи ўқитувчилар талабалардан жавобларини матн муҳаррири орқали киришини талаб қилишлари мумкин. Тизимдан ташқарида бажарилувчи ёки рақамли файл бўлмаган топшириқлар ҳам берилиши мумкин. Бундай ҳолларда топширик жавоби матн муҳаррири орқали топширилади. Топширик ўқитувчи томонидан баҳоланиб, файлга жавоб мулоҳаза кўринишида, талаба юборган файлни тўғриланган шаклида ёки аудио файл кўринишида жавоб қайтарилиши мумкин. Жавоблар баллар, фойдаланувчиларнинг баҳолаш шкалалари ёки “Илғор” услублар ёрдамида баҳоланиши мумкин. Натижавий кўрсаткичлар баҳолар журнаliga киритилади.

**Wiki** – элементи иштирокчиларга боғланган web-саҳифа тўпламини яратиш ва таҳрирлаш имконини беради. **Wiki** индивидуал (фақат муаллиф ўзгартира олиши мумкин) ва ҳамкорлик (ҳамма ўзгартириш ҳуқуқига эга) да

яратилиши мумкин. **Wiki**да ҳар бир иштирокчи томонидан амалга оширилган ўзгаришларнинг ҳар бир саҳифаси сақланиб қолади. **Wiki**дан қуйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин:

- ✓ Да  
рс ёки қўлланмаларга гуруҳли белги қўшиш учун;
- ✓ Ка  
федра ва факультет аъзоларининг умумий ишларини режалаштириш учун;
- ✓ Му  
раббий томонидан берилган мавзу бўйича талабалар ҳамкорликда китоб яратишлари учун;
- ✓ Ҳа  
р бир иштирокчи ёзган сатрлари ёрдамида ҳамкорликда тарих зарварақаларини ёзиш ёки шеър яратиш учун;
- ✓ Та  
дқиқотлар ёки тўғрилашлар натижасида эришилган белгилар асосида шахсий журнал яратиш учун (Индивидуал **Wiki** да қўлланилади).

Курс ресурсларининг тури курс элементларига қараганда бироз озроқ миқдорни ташкил этади. Курс ресурслари мустақил ўрганиш учун асосий адабиётлар ролини бажаради. Курс ресурсларининг рўйхатини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин:



**40-расм.** Курс ресурслари рўйхати.

**Папка (Folder)** – ресурси профессор-ўқитувчиларга саҳифага юкланган бир неча файлларни ихчам кўринишда яъни бир папкада сақлаш имконини беради. Файлларни папкада сақлаш орқали саҳифани юқоридан-пастга ёки аксинча варақлашни олдини олади. **Папка ZIP**-архив файлларини ҳам юклаш имконияти бўлиб, улардан фойдаланишда архивдан чиқарилади.

**Папка** қуйидаги ҳолатлар учун қўлланилади:

- ✓ Бир мавзуга oID серияли файлларни юклаш учун (талабалар лойиҳаларни ПДФ ёки график форматда тақдим этишида);
- ✓ Профессор-ўқитувчилар учун умумфойдаланишга рухсат этилган манбаларни сақлаш учун (папкада фақат профессор-ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин бўлиб, папка талабаларга кўринмайди).

**IMS contentpackage** – пакети мувофиқликда келишилган стандарт асосида ихчамлаштирилган файллар тўпламини юклаш имконини яратиб, юкланган файллардан турли тизимларда бир неча марта қайта фойдаланиш мумкин. Ушбу модуль **IMS**-пакетини архив шаклида юклаш ҳамда курсларда ресурс каби фойдаланиш имконини беради. **IMS** пакети бир неча саҳифа кўринишида бўлиб, файлдан фойдаланиш давомида файллар биридан-бирига



ҳаракатланиши мумкин. Уларнинг акс этилиши турли хил бўлади. Масалан, **қалқиб чиқувчи ойна**, **мундарижа** ҳамда **навигацион тугмалар** кўринишида бўлиши мумкин. **IMS** пакетида таркибига асосан мультимедияли ва анимацион файллар киритилади.

**Пояснение (Изоҳ)** – модули курснинг бошқа элемент ёки ресурсларига ҳавола ташкил этиш, мультимедияли ва матнли маълумот киритиш имконини беради.

Курснинг ташқи кўриниши яхшилашда **Пояснение** ресурси универсал модуль ҳисобланади.

Изоҳ ресурсидан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин:

- ✓ Курс бўлимига қисқа таъриф қўшиш учун;
- ✓ Ички видео ва аудио файлларни саҳифада кўриш учун;
- ✓ Фаолиятда бажарилган катта ишларни бўлимларга ажратиш учун (сарлавҳа ва расми билан).

**Книга (Китоб)** – модули профессор-ўқитувчиларга китобга ўхшаш боб ва бўлимларига эга бўлган кўп саҳифали ресурс яратиш имконини беради.

**Книга** ресурсида бўлимларга ажратиш мумкин бўлган улкан матн ёки медиа файлларни ҳам жойлаштириш мумкин.

**Книга** модулидан қуйидаги ҳолатда фойдаланиш мумкин:

- ✓ Ўқув материалларни алоҳида бўлим кўринишида тасвирлаш учун;
- ✓ Маълумотнома сифатида;
- ✓ Талабаларга топширилган ишнинг намунавий андозаси сифатида.

**Страница (Саҳифа, Page)** – модули профессор-ўқитувчиларга матн муҳаррири ёрдамида web-саҳифа яратиш имконини беради. **Страница** модули матн, расм, аудио, видео, web-ҳавола ва бошқа турдаги (Масалан: **GoogleMaps**, **HTML**) маълумотларни ўз ичига олиши мумкин. **Страница** модулидан фойдаланишнинг **Файл** модулидан кўра самарадорлиги кўпроқ ҳисобланади. Материалларни **Страница** модулига жойлаштириш орқали

мобиль курилмалар учун тезроқ ишлашни таъминлаш мумкин. Катта ҳажмдаги материалларни жойлаштиришда **Страница** модули ўрнига **Книга** модулидан фойдаланиш тавсия этилади.

**Страница** модулидан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин:

- ✓ Курс дастури резюмеси ёки курс муддати ва шартларини эълон қилиш учун;
- ✓ Фойдаланилаётган турли хил видео ва аудио файлларни изохлаш учун.


**Файл (Resurs)** – модули профессор-ўқитувчиларга файлларни курс ресурси сифатида фойдаланишга имкон яратади. Юкланган файллар курс таркибида кўринади. Талабалар эса юкланган файлларни кўчириб олиш имконига эга бўладилар. **Файл** модули таркибига **HTML**, **flash** ёки **график** файлларни ҳам бириктириш мумкин. Юкланган файлларни очиш учун талабалар компютерида файлларга мос дастурий таъминот бўлишлиги зарур эканлигига эътибор бериш жоиз. **Файл** модулидан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш тавсия этилади:


- ✓ Маълумотлардан оммавий фойдаланиш учун;
- ✓ Курс ресурси сифатида мини-сайтларни бириктириш учун;
- ✓ Белгиланган дастурий маҳсулотларда (**psdAdobePhotoshop** ва х.к.) тайёрланган файлларни бириктиришда. Талабалар мазкур лойиҳаларни таҳрирлаб ва тақдим этиш орқали баҳо олишлари керак.

**Гиперссылка (URL)** – модули профессор-ўқитувчиларга курс ресурс сифатида қўлланилувчи web-ҳаволаларини жойлаш имконини беради. **Гиперссылка** лар Интернетда ҳимоя қилинмаган ихтиёрий ресурсга (Масалан, ҳужжатлар ва расмлар) боғланган бўлиши мумкин. **Гиперссылка** web сайтларнинг бош саҳифасига эмас балки, аниқ web-саҳифага боғланиши зарур. Профессор-ўқитувчилар ресурс сифатида


**YouTube, Wikipedia, Gmail+** каби сайтларнинг маълумотларидан фойдаланишлари мумкин. **Гиперссылка** ларни акс эттиришни саҳифа ичига жойлаштириш ва янги ойнада очиш вариантларидан бирини танлаши мумкин. Зарур бўлганда саҳифага қўшимча маълумотларни юбориш мумкин. Масалан, талабанинг исми. Шунини таъкидлаш жоизки, **URL**-манзилларини фақат мазкур ресурсда эмас балки, матн муҳаррига эга бўлган барча ресурсларга ҳам қўшиш мумкин.

Аввалги бўлимда курс элементлари ва курс ресурслари ҳамда уларнинг бажарадиган вазифалари билан батафсил танишиб чиқилди. Ушбу бўлимда эса курс элементларини яратиш ва улар билан бажариладиган барча амалларни ўрганамиз.

**Страница(Page)** – модулни яратиш учун курс ёки курс бўлимларида  **Element yoki resursni qo'shish** мавжуд тугмаси босилади. Натижада курс элементи ҳамда курс ресурсларини танлаш ойнаси акс этади. Мазкур ойнанинг **Страница** модулни танлаб, **Добавить** тугмасини босиш орқали **Добавить страница** саҳифасини очиш мумкин.




41-расм. Добавить ойнаси.



42-расм. Добавить страница саҳифаси.


Ушбу саҳифанинг **Номи(Название)** майдонига саҳифа номи, **Description(Описание)** майдонига саҳифа ҳақида қисқача маълумот, **Content(Содержание страницы)** майдонига саҳифа мазмунини акс этувчи матн киритилади. **Ko`rinishi(Отображатьназваниестраницы)** ҳамда **Показывать описание страницы** майдонларига белги қўйиш орқали саҳифада иккала майдонларнинг кўриниб туришлигини ёки кўринмаслигини таъминлаш мумкин.

Ушбу маълумотларни сақлаш учун эса **Saqlashvakursgaqaytish(Сохранить и вернуться к курсу)** тугмаси босилади. Бажарилган ишларни бекор қилиб курснинг бош саҳифасига қайтиш учун эса **Отменить** тугмасини босиш мумкин.

**Файл** – модулини яратиш учун  **Element yoki resursni qo'shish** хам тугмаси босилиб, ҳосил бўлган ойнадан **Файл** модулини танлаб, **Добавить** тугмасини босиш кифоя. Ушбу амалларни бажариш натижасида қуйидаги саҳифа намоён бўлади(43-расм):

**Добавить файл** саҳифасининг майдонларини тўлдириш **Добавить Страница** саҳифасига ўхшаш бўлиб, у фақатгина қуйидаги ўзгаришлар билан фарқланади.

